



23
(1445)-son
10-iyul
2020

Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

COVID-19

Шавкат Мирзиёев: Бундай хатарли офатга асло бепарво қараб бўлмайд

МОБИЛ АЛОҚА

Қишлоқ ва чекка ҳудудларда янги база станциялари ишга туширилди

ОНЛАЙН-АУКЦИОН

С 1 сентябрия в порядок онлайн-аукционов вносятся изменения

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР

Германиядаги кимёгар магистр ҳамюртларимиз: Коронавирус сунъий равишда синтез қилинмаган

АДАБ, АХЛОҚ, ОДАМ

Гулдек оилани бузган SMS

ДУНЁ ЁШЛАРИГА ТИЛ УРГАТАМИЗ

Икки ёш филолог яхши даромад олиш йўлини топишди

ТАҚДИМОТ

Samsung стилусли Galaxy Note 20 флагманини қачон тақдим этишини маълум қилди



Рақамли иқтисодиёт: Кучли бирни енгади, Ақлли — мингни...

Рақамли иқтисодиёт, постиндустриал давр, ахборот асри деган истилоҳлар ҳақида ўйлаганда ёдимга Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” асаридаги бир сахна ёдимга тушади. Шаҳардан келган тадқиқотчи Олимтой қишлоқдаги аҳволни кўриб: “Қишлоқда прогресс йўқ-да...” — деб хўрсинади. Дехқон Кўчқоркул Курбонов (давр курбони) тушунмай қайта сўрайди: “Нима “...грес?”. Олимтой: “Прогресс йўқ!” Кўчқоркулнинг жаҳли чиқади: “Прогресс” бор, аввал тезак ёқардик, мана, энди керосинга ботириб ёқяпмиз...”

ИНТЕРВЮ

Амити университети директори: ОЧИҒИ, БУ ЖАРАЁНДА ТАЛАБАЛАРИМИЗНИНГ ОДДИЙ КОРХОНАЛАРГА БОРИБ ИШЛАШНИ ИСТАМАЙМИЗ

Бугун ўз соҳаси бўйича етук мутахассис бўлиш, келажакда инновацион тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки креатив ёндашувга эга кучли дастурчиликка талабгорлар сони кўп. Эндиликда бунинг учун хориждан ўқув даргоҳи излаб, умрни ота-она, оила ва Ватандан йироқда ўтказишга ҳам ҳожат йўқ. Чунки дунё стандартларига жавоб берадиган, жаҳон тан олган олийгоҳлар ўзимизда ҳам фаолиятини йўлга қўйиб, эътирофларга сазовор бўлмоқда. Булар қаторида Тошкент шаҳридаги Амити университети ҳам бор.

Айни дамдаги университетда бўлаётган қабул жараёнлари, рейтинглар, стартаплар ва бошқа мавзуларда Амити университети бошқарув директори Бобур АБДУЛЛАЕВ билан суҳбатлашдик.



— Амити университети ҳақида гапирганда кўз олдимизга Ҳиндистон давлати келади. Бу олийгоҳнинг Тошкент шаҳрига олиб келинишидан қандай мақсадлар кўзланди ва унинг бошқа университетлардан фарқи нимада? Шунингдек, биринчи йили талаба йўғишда қийинчилик тугилмадими?

— Аввало, Тошкент шаҳридаги Амити университетига хуш келибсиз. Хабарингиз бор, мазкур олийгоҳ юртимизда 2019 йилдан ўз фаолиятини бошлади. Бунга асосий пойдевор бўлган масалалардан бири — бу Президентимизнинг 2018 йили Ҳиндистонга ташифи ҳамда Тошкент шаҳрига ахборот технологиялари йўналиши бўйича ушбу университетни олиб келиш топшириғи бўлди. Сал

ўтмай Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникациялари ривожлантириш вазирлиғи қошида мазкур университет ташкил қилинди. Мана етти йилдирки, Амити Ҳиндистондаги хусусий университетлар ичида биринчи ўринни эгаллаб келади. Ва ишонч билан айтишимиз мумкинки, хинд ўлкасидаги энг яхши университет Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлади.

ҚАР ЖУМА ТОНГИНИ
МАЪРИФАТ БИЛАН
ҚАРШИЛАШНИ ИСТАЙСИЗМИ?



Шавкат Мирзиёев: БУНДАЙ ХАТАРЛИ ОФАТГА АСЛО БЕПАРВО ҚАРАБ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 июл куни мамлакатимиз инвестицион ва ташқи савдо фаолияти прогноз кўрсаткичларининг жорий йил I ярмидаги ижросини муҳокама қилиш, шунингдек, Япония, Корея Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари билан устувор қўшма лойиҳаларнинг боришини ҳамда савдо-иқтисодий, инвестицион ва молиявий-техник ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини кўриб чиқишга бағишланган видеоанжуман тарзида йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 июл куни Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари суҳбат аввалида Нурсултон Абишевич Назарбоевни юбилей билан самимий табриклаб, унга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва янги зафарлар тилади. Мулоқот чоғида етакчилар икки томонлама ва халқро аҳамиятга молик қатор долзарб масалаларни муҳокама қилдилар. Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш, пандемиянинг ўзаро манфаатли ҳамкорликка салбий таъсирини камайтириш бўйича ўзаро яқин мувофиқлашув ва шерикликни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 6 июл куни банк активларида хусусий сектор улушини 15 фоиздан 60 фоизга оширишга қаратилган 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш ҳамда мамлакат тижорат банкларининг трансформация жараёнини жадаллаштириш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг Белгия Қироллигидаги элчихонаси, “Устандарт” агентлиги ва Қурилиш вазирлиги ҳамкорлигида Европа стандартлаштириш ташкилоти (CEN) вакиллари жаноб Ашок Ганеш ва Эрик Марчанд билан видеоконференция ташкил этилди.

МДХга аъзо давлатлар Молиявий разведка бўлинмалари раҳбарлари кенгашининг 15-йиғилишида Ўзбекистон Республикаси делегацияси - Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жинойатларга қарши курашиш департаменти вакиллари иштирок этди. Видеоанжуман шаклида ташкил этилган йиғилишда Кенгашга аъзо давлатлар (Ўзбекистон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон) делегациялари ҳамда МДХ Ижроия қўмитаси ва Молиявий мониторинг бўйича халқаро ўқув-методик маркази вакиллари қатнашди.

Ўзбекистонда 10 июлдан 1 августгача карантин чоралари кучайтирилади. Бу ҳақда республика махсус комиссияси ахборотида маълум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 июл куни видеоанжуман тарзида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.



Давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди: – Барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз, афсуски, бутун дунёда коронавиралар пандемияси давом этмоқда. Дунёнинг қатор мамлакатларида касалликнинг иккинчи тўлқини бошланаётгани барчамизда жиддий хавотир уйғотмоқда.

Бугунги ҳолат шуни кўрсатмоқдаки, ушбу инфекцияга қарши курашда қандайдир “сеҳрли рецетплар” ҳали йўқ. Жаҳон ҳамжамияти, дунёдаги энг йирик илмий марказлар, энг кучли олимлар бу офатга

даво топиш учун қаттиқ изланмоқда. Ва бундай тадқиқотлар тез орада ўзининг ижобий натижасини беради, деб умид қиламиз.

Ҳозирги кунда республикада касалликка чалинганлар сони 10 минг 982 нафарга, соғайганлар сони 6 минг 890 нафарга етди.

Тиббиёт ва санитария-эпидемиология ходимларининг касб малакаси ва жасорати, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фидойилиги, шунингдек, карантин давридаги қатъий интизом мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни нисбатан барқарор сақлаш имконини бермоқда.

Лекин бу хотиржамликка берилиш, бу масалага энгил-елпи қараш учун асос бўлмаслиги керак. Чунки июл ойининг биринчи ҳафтасида беморлар сони 2 минг 167 нафарга кўпайган. Шундан 1 минг 267 та (58 фоиз) ҳолат аҳоли орасида аниқланган.

Бу карантин давридаги энг юқори кўрсаткичдир. Афсуски, беморлар орасида ўлим сони ҳам ортиб бормоқда. Бу барчамизни жиддий ташвишга солиши шарт.

Биз мамлакатимизда коронавиралар аниқланган кундан бошлаб қайта-қайта таъкидлаб келмоқдамиз: бу жуда мураккаб синов ва оғир кураш бўлади.

Бу курашда кўп нарса ўзимизга, ақл билан ҳаракатимизга, сабр-тоқатимизга темир интизом билан, қатъият ва жипсликда иш кўришимизга боғлиқ. Лекин, минг афсуски, аҳоли ўртасида кўпчилик мана шу талабларга тўла амал қилмаяпти.

Айниқса, тиббий ниқоб тақалмаслик ёки уни номига тақиб,

санитария-гигиена қоидаларини бузиш, ўзаро қўл бериб кўришиш, ижтимоий масофани сақлаб қолмаслик, заруратсиз оилавий тадбирларни ўтказиш ҳолатлари кун сайин кўпаймоқда.

Жойларда “яшил”, “сарик” ва “қизил” ҳудуд тамойили тўлиқ ишламаяпти.

Биз бу борада аҳволни ўзгартириш учун аввало жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз керак.

Юзага келган вазиятни ҳисобга олиб, Республика комиссияси вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимлари ҳамда сектор раҳбарлари билан бирга пандемияни яшилдириш бўйича барча чораларни кўриши шарт.

Тегишли раҳбарлар ўзига бириктирилган ҳар бир вилоят кесимида аҳолининг белгиланган чекловларга қатъий амал қилиши ва карантин талаблари бажарилиши устидан, жойига чиққан ҳолда, назорат ўрнатсин.

Албатта, биз қўшни давлатларда маълум сабабларга кўра қолиб кетган Ўзбекистон фуқароларини мамлакатимизга қайтариш бўйича ҳам тегишли чоратадбирларни кўрашимиз.

Бироқ юртдошларимизга мурожаат қилиб яна бир бор таъкидламоқчиман: бутун дунёда минг-минглаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлаётган бундай хатарли офатга асло бепарво ва энгил қараб бўлмайдми.

Касалликнинг бирор-бир кичик белгисини ўзингизда сездингизми, дарҳол шифокорга мурожаат қилинг.

Ўзингизча уйда доволанманг. Бу оғир оқибатларга олиб келиши, ва ниҳоят ўлим билан туғиши мумкин.

Ўзингизга ва оила аъзоларингизга нисбатан бепарво ва бефарқ бўлманг!

Халқимиз, оиламиз ва фарзандларимиз саломатлиги ва ҳаёти биз учун энг улуғ бойлик экан, бу ўта муҳим масалада бефарқ бўлиб, карантин талабларини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Буни ҳеч ким, аввало, барча раҳбар ва мутасаддилар ҳеч қачон унутмаслиги шарт.

Бугунги мураккаб вазиятда барчамиз “Ўз соғлигингни, ўз болангни, ўз оилангни ўзинг асра!” деган шiorга амал қилиб ярашимиз шарт.

Айни вақтда ҳаётимизни нормал изга солиш, иқтисодий-иқтисодиётимизни тиклаш учун пандемия шароитида яшаш ва меҳнат қилишга ўрганишимиз, барча эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда, бу борада бошлаган ишларимизни темир интизом билан давом эттиришимиз керак.



КАРАНТИН ТАРТИБЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Республика махсус комиссияси қарори билан 2020 йил 10 июлдан эътиборан республика миқёсида автотранспорт воситаларининг ҳаракатини чеклаш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этилмоқда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига автотранспорт воситаларининг кираши ва чиқиши (вилоятларро қатнов) тўхтатилади (Тошкент шаҳридан Тошкент вилоятига ҳамда Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига кириб-чиқиш бундан мустасно);

жамоат транспорти ҳаракати тўхтатилади; автотранспорт воситаларида махсус рухсатномасиз (стикерсиз) ҳаракатланишга фақатгина куннинг муайян вақтида (07.00 дан – 10.00 гача, 17.00 дан – 20.00 гача) тегишли ҳудуд доирасида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида) фуқароларнинг иш жойига бориб-келиши, дори воситалари, озиқ-овқат ва биринчи галдаги маҳсулотларни харид қилиш учун ҳаракатланишига рухсат берилади.

Қолаверса, йўналишсиз таксиларга йўловчи ташишга махсус талаблар асосида рухсат берилади.

ҚИШЛОҚ ВА ЧЕККА ҲУДУДЛАРДА ЯНГИ БАЗА СТАНЦИЯЛАРИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.



Хусусан, “Ўзбектелеком” АК “Мобил алоқа тармоғини модернизация қилиш ва кенгайтириш” лойиҳаси доирасида республика бўйлаб 160дан зиёд объектларда база станцияларини ишга туширди. Янги база станцияларининг аксарият қисми қишлоқ ва чекка ҳудудларда фойдаланишга топширилди.

Янги антенна-мачта иншоотлари, база станциялари ва замонавий қурилмаларнинг ўрнатилиши кўрсатилган хизматларнинг сифатини оширишга ва қамров зоналарининг кенгайтиришга ҳамда тезкор мобил интернет технологиялари жорий этилишга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда модернизация ишлари Тошкент шаҳри, Сирдарё, Андижон, Тошкент, Наманган, Фарғона вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ниҳоясига етган. Шунингдек, айти кунларда Хоразм вилоятида модернизация ишлари муваффақиятли якунланди. Амалга оширилган ишлар натижасида, UZTELECOM мобил алоқа тармоғи таянч станцияларининг аксарият қисми 4G LTE технологиясини қўллаб-қувватламоқда.

Мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам модернизация жараёнлари изчил давом этмоқда.



“ЎЗКОМНАЗОРАТ” СМАРТФОНЛАРГА ИЛОВАЛАРНИ ЮКЛАБ ОЛИШ ВА ЎРНАТИШДА ОҒОҲ БЎЛИШГА ЧАҚИРДИ

Тармоқда ахборот хавфсизлиги соҳасидаги кўплаб компанияларнинг Google Play Storeда турли зарарли кодлар, вируслар ва троянлар мавжуд бўлган илова ва ўйинлар аниқланаётгани ҳақида хабарлар тарқалмоқда. “Ўзкомназорат” смартфонлардан фойдаланувчиларни ишончсиз манбалардан APK файлларини юклаб олиш ва ўрнатиш хавфли экани ҳақида хабар берган эди.

Масалан, Avast компанияси мутахассислари Google Play Storeда троянларнинг HiddenAds оиласига кирувчи 47 та ўйин иловасини топди. 15 миллион мартадан кўпроқ юклаб олинган HiddenAds троян дастури хавфсиз ва фойдаланиш сифатида тақдим этилган, зарарланган смартфонда илованинг иконкаси кўринмайди, ammo смартфонларда рекламаларни намойиш қилиши мумкин. Ушбу илова қўшимча рекламаларни намойиш қилиш учун смартфонда браузерни очади. Ҳатто илова қурилмадан ўчириб ташланганидан кейин ҳам, рекламалар доимий равишда намойиш қилинаверади.

Компания энг кўп юклаб олинган HiddenAds дастурларининг рўйхатини тақдим этган:

Жорий йил бошида “Касперский лабораторияси” кўплаб рекламалар тарқатадиган ва смартфон эгаларига билдирмасдан қурилмаларга турли хил дастурларни ўрнатадиган, Google Playда сохта изоҳлар қолдирадиган троян фош этилганини эълон қилди.

“Касперский лабораторияси” маълумотларига кўра, Shopper номли вирус рус аудиторияси фойдаланувчиларининг 31 фоизга ҳужум қилган, Бразилиядаги 18 фоиз фойдаланувчиларга ва Ҳиндистоннинг 13 фоиз фойдаланувчиларини зарарлаган.

Троян имконияти чекланганлар учун мўлжалланган Google Accessibility Service хизмати орқали қурилма операциялар тизимига кириб олади. Ҳужумчилар ундан тизим интерфейси ва иловалар билан ўзаро ишлашда фойдаланади. Shopper экранда пайдо бўлган маълумотларни тугиб олиб фойдаланувчи имо-ишораларига тақлид қилади.

“Касперский лабораторияси” мутахассисларининг таъкидлашича, қурилмага сохта реклама ёки бошқа дастур дўконлар орқали ўтади ва ўзини дастурий таъминот сифатида намойиш қилади, масалан, смартфонни тизимга тезлаштириш хизматини тақлид қилади. Улар қурилма ҳақида маълумот тўплайди ва уни хакерларнинг серверларига юборади, кейин эса смартфон эгасини хабардор қилмасдан Google ёки Facebook аккаунтларидан харид қилиш ёки ўйин-кулги учун сўровларни рўйхатдан ўтказиш учун фойдаланади, иловалар бўйича сохта шарҳлар қолдиради, илова юклашдан олдин Google Play дўконига илова хавфсизлигини текширади. Google Play Protect функциясини ўчириб қўйиши мумкин. Сўнг Google Playдан дастурларни юклаб олиши ва ўрнатиши ҳамда илова ёрликларини реклама саҳифаси ёрликларига ўзгартириши мумкин.

Киберхавфсизлик соҳасига ихтисослашган француз компанияси Google Playда 25 донга зарарли дастур топилгани ҳақида эълон қилди.

Компания мутахассисларининг таъкидлашича, аниқланган дастурлар Google Playдан ўчириб ташланган, ammo барибир фойдаланувчиларнинг қурилмаларида сақланиб қолиши мумкин, зарарли дастурлар расмлар, график ва видео муҳаррир дастурлари, ўйинлар ва файллар бошқарувчиси сифатида яширилган бўлиши мумкин.

“Ўзкомназорат” фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларини тарқалишининг олдини олиш учун иловани смартфонга ўрнатиш пайтида илова томонидан сўраладиган имтиёزلарни синчковлик билан ўрганишни, ишлаб чиқарувчи компания тўғрисидаги маълумотлар билан танишишни, учинчи томон манбаларидан дастурларни ўрнатмасликни ва ишончли ҳимоя тизимларидан фойдаланишни тавсия қилади.

КИБЕРХАВФСИЗЛИК

ИНҲА УНИВЕРСИТЕТИДА КИБЕРХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ОНЛАЙН МАСТЕР-КЛАСС ЎТКАЗИЛДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кўмағи билан Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетидан Group-IB халқаро компанияси билан ҳамкорликда кибертаҳдидларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича онлайн мастер-класс ўтказилди. Унда давлат ва хўжалик бошқарув органлари, банк ва АКТ-соҳаси вакиллари иштирок этди.



Group-IB халқаро компанияси кибержиноятлар, юқори технологиялар ёрдамида фирибгарликларнинг олдини олиш ва тергов ишларини олиб бориш бўйича жаҳондаги етакчи компанияларидан бири ҳисобланади. Шу боис, кибер-

таҳдидларга қарши курашиш мавзусида ўтказилган тадбирда компаниянинг етук экспертлари томонидан киберхавфсизлик, кибертаҳдидларнинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш борасидаги мастер-класс ўтказилди.

Тадбир доирасида иштирокчилар кибертаҳдидларнинг олдини олиш ва қарши курашишда замонавий усуллар ва компютер криминалистика соҳасида етакчи халқаро компанияларнинг тажрибалари билан атрофлича ўртоқлашдилар.


ҲАМКОРЛИК

АЛ-ХОРАЗМИЙ МАКТАБИ ЕРАМ КОМПАНИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИ

8 июл куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги АКТга ихтисослашган мактабда яна бир янги ташаббусга қўл урилди. Мактабнинг янгиликларини, замонавий ёндашувларни қўллаб-қувватловчи раҳбарияти ҳамда ўқитувчилари бу гал Беларуснинг ЕРАМ компанияси билан яқин ҳамкорлик алоқаларини бошлаб юборишди.

Дунёда энг илғорлар сафида дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи Беларуснинг ЕРАМ компанияси эндиликда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги АКТга ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчилари билан бирга веб-иловаларни яратиш учун замонавий ёндашувлар, технологиялар ва воситаларга бағишланган тренинглар ўтказиб туради. Мазкур тренингдан веб-дастурлар борасидаги маърузалар, амалий топшириқлар ва уларнинг ижроси назорати ўрин олади.

ЕРАМ Insider халқаро компаниясининг асосий мақсади Ўзбекистондаги ИТ соҳаси вакиллари орасидан юқори малакали, етук мураббийлар ҳамда менторларни ҳамкорликда тайёрлашдир. Умид қиламизки, ушбу мақсадли алоқалар яқин келажакда ўз натижасини кўрсатади.



4 | ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОДА

ОДАМИЙЛИК — ҚАЛЬ ЭҚТИЁЖИ

“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиалининг эзгу анъаналари кўп. Ҳар йили 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Учкўприк тумани телекоммуникациялар боғламасида салкам қирқ йил ишлаган Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Содиқ бобо Мамаюсуповнинг зиёратида бўлишимиз, дуоларини олиб қайтишимиз чиройли анъаналарга садоқатимизга ёрқин мисол бўла олади.

Содиқ бобони йўқлаб келувчилар кўп. Лекин, айниқса, ҳамкасбларининг, шогирдларининг ташрифини бобо интиқлик билан кутади. Буни яхши билсақда 15-20 дақиқалик дийдорлашув – суҳбатидан сўнг яна дарҳол Фарғона томон йўл оламиз. Хизматчилик. Шундай бўлса-да барибир ўзимиздан қониқиш ҳисларини туямиз. Ёруғ юз билан бурчимизни бажардик. Шу қисқа мuddатли мулоқотдан ҳам яшариб бардамлашиб қолган табаррук зотнинг нуруний чеҳраси, ихлос билан қилган дуолари узоқ вақт хаёллардан кетмаслиги рост. Яна бирпасгина ёнида ўтирсак янаям кўпроқ савобларга эришармидик. Бироқ раҳбариятда бунинг учун вақт қайда!

Лекин кўнгилга бир нарса таскин беради. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини тез-тез йўқлайдиган меҳрибонлари бор. Улар маълумингизим – тиббиёт ходимлари. Ора кунда келиб бобонинг юрагига қўлоқ тутиб, тавсияларини бериб кетадигани, муолажани кўрсатадигани, даво чоралари самараларини кузатадигани... Бу меҳри дарё одамлар учун Содиқ бобога хизмат қилиш, умрини чўзиш, дуоларга дохил бўлиш – қалб эҳтиёжи десак асло муболага бўлмайди. Кардиолог Шерқўзи Марасулов, даволов-

чи врач Икромжон Юнусов, Доно қишлоғи участка врач Мухтасархон Бозорова, реанимотолог Саҳобиддин Отажонов ва яна, хуллас, улар кўпчилик. Доридармонлар, шифохоналару сийхатгоҳлар ҳам бепул. Бобонинг юрагига икки йил аввал Академик Воҳидов номидagi илмий текшириш институтида тўртинчи мароба электростимуляторни ҳам мутлақо бепул янгилаб беришди. Ҳа, бундай олий хизматларга талайгина мисоллар келтириш мумкин.

– Чиндан ҳам бу хизматлар моддий манфаатдорлик юзасидан қилинмайди, албатта. Аввало, ўзбекчилик таомилимизга риоя қиламиз, – дейди Мухтасархон. – Ҳаммаси сидқидилдан. Ватанимиз озодлиги учун курашган буюқларимизга хизмат қилиш биз учун шараф ва бурч ишидир. Улар фашизмга қарши жангларда жон олиб, жон бериб, ўлимларни доғда қолдириб қайтганлар. Шундай улуг қахрамонларимизни эъзозлаб, ардоқлаш ишларида олдинги сафларда бораётганимиздан ҳақли равишда фахрланамиз.

Учкўприқдан қайтгач, вилоят соғлиқни сақлаш ҳамда вилоят бандлик бошқармалари мутахассисларидан Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига кўрсатилган фамхўрлик тўғрисида батафсилроқ

маълумот олиш зарур деб топдим. Саволларимга мутахассислар берган жавоблар кўйилмагача бўлди:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридagi жамоат ишларини ташкил этиш дирекциясининг Фарғона вилоятидаги вакили Саидҳамд ЙЎЛЧИЕВ:

– Вилоятимиз шаҳар ва туманларида Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари шу йилнинг 24 июн ҳолатига 55 нафарни ташкил этмоқда. Утган йил баҳоридан бошлаб, эътибор янада кучайтирилди. Шаҳар ва туманлар соғлиқни сақлаш бирлашмалари билан уч томонлама шартнома тузиб, патронаж хизмати кўрсатишни йўлга қўйганмиз. Уларнинг сафи ҳар ойда ўзгариб бораётгани сабабли бу шартномаларни ҳар ойнинг бошида янгилаймиз. Патронажларга бир млн. сўмдан ортқирққоқ маош жамоа ишлари жамғармасидан тўланмоқда. Айниқса, бузғунчи пандемия шароитида уларга қаратиладиган эътиборни янада оширдик.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридagi тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги Фарғона вилоят бўлими мутахассиси Шарифа МАҲМУДОВА:

– Йил бошидан буён Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари учта ноғиронлар аравачаси, 25та қўлтиқпаёқ, 9та ҳасса

билан таъминланди. Айни кунларда ҳам саломатлиги ёмонлашиб шу нарсаларга эҳтиёжи туғилганларни рўйхатга олдик. Тез орада етказиб берилади.

Мухтасар қилиб айтганда, шаҳар ва туман соғлиқни сақлаш бирлашмаларида Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига тиббий хизмат кўрсатишга энг муҳим масала сифатида қаралаётгани Содиқ бобонинг шифокорлари билан бўлган суҳбатларда янада аёнлашди. Билдимки, бу олижаноб инсонлар нафақат ҳар бир он, балки ҳар бир нафасини фазилатли амалларга бағишлашга интиланлар тоифасидан экан. Фазли камолга эришганлари, вақтнинг қадрини адо эта олаётганлари учун ҳам улар ҳар қанча шукроналар айтсалар арзийди. Зеро, энг қийматли нарса бу – ВАҚТ. Унутмайликки, ҳар сония, ҳар оннинг ҳисоби сўралади. Азиз ва мукаррам қахрамонларимизга меҳрини зиёда қилаётган тиббиёт ходимларини қайси онда қайси солиҳ амал қўлингдан келди, илм-зиёингни оширишга муваффақ бўлдингми-йўқми? Халқ учун, жамият учун қандай зарури ишни урдалашга муяссар бўлдинг ҳар саволларга баралла “Ҳа” дейишга юз фоиз ҳақли. Одамайлик, инсонпарварлик учун ташаккур. Умрларни узайтиришдек савоб ишлар билан асло толманг. Саломат бўлинг, жонга жон шифокорлар!

Ҳафиза САЛҲОҶОВА,
“Xabar”нинг
Фарғона вилоятидаги мухбири

ТАВСИЯ

Замонавий дунёда дастурчи касби тушунчаси ажойиб, талабгор ва даромадли ҳисобланади. Ўзингизни ҳақиқий дастурчи деб аташ учун уч ойлик дастурлаш курсини ўташ нифоя қиладими? Бунинг учун дастурчи қандай фазилатларга эга бўлиши керак? “Xabar” газетаси IT-Парк билан ҳамкорликда қуйидаги тавсияларни беради.

1. Мантиқий фикрлаш.

Дастурлаш дастурчидан тахлилий фикрлашга эга бўлишни талаб қилади. Акс ҳолда, ҳар қандай муаммога ечим топиш мушкул бўлади. Дастурлашда барча кодлар мантиқий равишда кетма-кетликда тузилган бўлади ва бу мантиқни йўқотиб бўлмайди. Акс ҳолда, бирор нарса ўхшамайди ва хато ёки ундан ҳам ёмонроқ нарсани қидиришда коддан кодга ўтиб юришга тўри келади. Тахлилий фикрлашда давом этиш керак ва ҳар ерда, айниқса, дастурлашда, риоя қилиш керак бўлган мантиқ борлигини унутмаслик лозим.

2. Диққатни жамлаш қобилияти.

Бошқа ҳар қандай ишда бўлгани каби, дастурлашда диққатли бўлиш ва бирон бир вазифага ёки бирор бир элементга эътиборли бўлиш қобилияти жуда муҳим кўникма ҳисобланади. Юзлаб ва ҳатто минглаб қаторли кодлар - дастурчи кўпинча дуч келадиган жараён. Хатоларга йўл қўймаслик ва уларни ўша юзлаб код сатрлари орасидан қидирмаслик учун жуда эътиборли бўлиш керак. Сиз диққатингизни узоқ вақт давомида бит-

ДАСТУРЧИ
қандай фазилатларга
эга бўлиши керак?

та вазифага қаратишингиз, ташқи суҳбатлар, билдиришномалар ва хатлар, шунингдек, фикрлар ва ҳис-туйғуларингиз билан чалғимаслигингиз даркор. Албатта, танафуслар қаҳида ҳам унутмаслик лозим, лекин эътиборингизни бир неча соат ушлаб туриш сиз учун жуда фойдали бўлади.

3. Тоқатлилики.

Бу жудаям зарур хусусият. Ахир, кўп сонли кодлар ва маълумотлар билан ишлаш учун сиз тиришқоқ бўлишингиз керак. Дастурчининг иши, биринчи навбатда, узоқ вақт ўтирган ҳолда бажариладиган иш ҳисобланади. Узоқ вақт давомида қатъият билан ишлаш тезда муваффақиятга олиб келади. Бу қанчалик парадоксал кўринса ҳам.

4. Қизиқувчанлики.

Кимдир учун бу ҳайратланарли туюлиши мумкин. Нима учун дастурчи қизиқувчанлик керак? Аммо сиз тушунишингиз керакки, бу ҳолда қизиқувчанлик ҳамма нарсани қилиш дегани эмас. Айнама сизга керак бўлган қизиқувчанлик - маълум бир технология, тилни кўпроқ ўрганиш истагидир.

5. Масыуляти.

Дастурчининг иши ўзи яратадиган код учун катта масъулиятни талаб қила-

ди. Аввало, ўзи, кейин миқоз ва буюртмачи олдида маъсулиятли бўлиши керак. Умуман олганда, ҳар қандай бошқа иш каби. Бирор ишда муваффақиятли бўлиш учун албатта маъсулиятли бўлишингиз ҳам зарур.

6. Ўзини таномиллаштириш истаги.

Шахсий ва касбий кўникмаларни ривожлантириш учун ўзини ривожлантириш зарур. Тамойил оддий, қанчалик кўп ривожлансангиз, шунчалик яхши бўласиз. Ишда, мактабда, шахсий ҳаётда. Дастурчининг бундай сифати уни бутун фаолияти довомида етакчи лавозимларга олиб бориши ёки ўз соҳасининг биринчи даражали мутахассиси қилиши мумкин. Доимий равишда ўрганишни, энг янги frameworkларни ўрганишни ва ҳамкасблар билан мулоқот қилишни унутманг.

7. Тасаввур.

Кутмаганидингиз? Аммо, ҳа, яхши тасаввур, дастурчининг бошқа сифатлари билан бир қаторда, оддий ечимларни топишга ва кодни янада соддалаштиришга имкон беради, шунда бошқа дастурчилар қандай қилиб бу ечимни топганингизга ҳайратда қолишади. Ўз навбатида, тасаввур қилиш, кодни фикрнинг равишда кўз олдига келтириб қилишининг ажойиб усули ҳамдир.



8. Жамоада ишлаш қобилияти.

Кўпгина дастурчилар одамлар ва дунё билан алоқани минималлаштириб ўзлари билан ёлғиз ишлаган вақтлар аллақачон ўтиб кетган. Эндиликда эса юқори поғонада бўлишни ва яхши пул ишлаб топишни истаган ҳар бир дастурчи жамоада ишлашни билиши керак. Шунинг учун, сиз самарали мулоқот қилишни ўргансангиз, ёрдам сўрашдан ёки ҳамкасбингизнинг фикрини сўрашдан қўрқмасангиз, сизнинг ишларингиз юқори чўққиларга кўтарилади.

9. Тиришқоқлик.

Тиришқоқлик бу узоқ мuddатли мақсадларга эришишга ва улардан воз кечмасликка ундайдиган шахсий фазилатдир. Шунингдек, тиришқоқлик масалага берилган шахсий ечимни қўллаб-қувватлаш ёки янги хусусиятни киритишда ҳам фойдалидир. Кўпинча бу сифат лойиҳада вақт ва ресурсларни тежашда ёрдам беради.

Эҳтимол, булар яхши дастурчи у ёки бу тарзда эга бўлиши керак бўлган энг асосий фазилатлардир. Ва агар сизда уларнинг камиди биттаси бўлса, унда қолган саккизтасини ҳам шакллантиришингиз мумкин. 6 ва 9-пунктлар қаҳида унутманг. Фақат ўзингизни такомиллаштиришга интилинг ва қатъиятли бўлинг!

Амити университети директори:

ОЧИГИ, БУ ЖАРАЁНДА ТАЛАБАЛАРИМИЗНИНГ ОДДИЙ КОРХОНАЛАРГА БОРИБ ИШЛАШНИ ИСТАМАЙМИЗ



Амитини фақат Ҳиндистондаги олийгоҳ деб тушуниш ҳам нотўғри бўлади, чунки у глобал университет – дунё бўйлаб 17та давлатда ўз ўрнини топган. Шунингдек, АҚШ, Буюк Британиядаги энг нуфузли махсус ташкилотлардан аккредитация олиб, дипломларини стандартлар асосида беради ва таълимда ҳам сифатга жиддий эътибор қаратади. Олийгоҳ Ўзбекистонга ахборот технологиялари йўналишини кўзлаб олиб келинган бўлса-да, ҳозирда университетда бизнес бошқаруви, туризм, иқтисодиёт бўйича ҳам таълим берилади. Бундан ташқари, биринчи йилданоқ иқтисодиёт ва ахборот технологияларидан магистрлик дастурлари ҳам йўлга қўйилган.

Энди Амити университетининг бошқа олийгоҳлардан фарқи, устунлик жиҳати га тўхталадиган бўлсак, бунда, аввало, эртага битирувчилар дипломини қаердан олади? Ўзбекистондаги талабаларга дипломнинг айнан Ҳиндистон томонидан тақдим этилиши уларга нима беради? Дунё тан олган ташкилотлардан аккредитациядан ўтган диплом кейинчалик исталган олийгоҳда ўқишни давом эттириш имкониятини яратди, бу дегани, эртага уларга ҳеч қандай тўсиқ бўлмайди. Шунингдек, аниқ бир йўналишлар бўйича керакли кадрларни ҳам тайёрлаб беришимиз мумкин, яъни дастурга ўзгартириш киритишга ҳаққимиз. Шу томонлама устунликлари эгамиз.

Умуман олганда, мамлакатимизда янги ташкил этилаётган университетлар жудааям кўп. Лекин Амитига биринчи ташкил этилган йилданоқ талабгорлар кўп бўлди, аниқ айтсам, 5734та мурожаат келиб тушди. Шундан 500га яқин талаба танлаб олинди. Демак, дунё томонидан тан олинган бу университет қанчалик мавқега эга экани ҳамда мутахассислар тайёрлашда сифатга жиддий эътибор беришини фойдаланувчилар аллақачон тушуниб етишган.

– Сизнингча, яқин йилларда юртимизда АКТ соҳасида қандай кўзга ташланадиган ўзгаришлар бўлди? Бунга университет қанчалик ҳисса қўшяпти?

– Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ахборот технологиялари соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш масаласида жуда катта ишлар қилиняпти. Чунки бу кучли мутахассисларга боғлиқ бўлган касб. Кўшимча техника ёки хизматлар талаб этилмайди. Бу йўлда қўйилган энг катта қадамлар деб – “Бир миллионга дастурчи” лойиҳасининг йўлга қўйилиши, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги IT-мактаб ва IT-Паркиннг очилиши, Амити университети ҳамда худудларда Рақамли технологиялар ўқув марказларининг ташкил этилишини айта олам. Бизнинг университет ҳам ўтган йилдан бошлаб дунё талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлашга жиддий киришди. Шу

нингдек, университетимиз саноят, яъни кейинчалик корхоналар учун керак бўладиган йўналишларда кадрлар етказиб бериш имкониятини ҳам тақдим этияпти. Чунки ахборот технологиялари жуда тез ўзгарадиган соҳа, биз бунда тегишли корхоналар билан келишиб, улар учун керакли технологиялар, йўналишлар бўйича алоҳида дарслар билан биргаликда нимага эътибор бериш ва ўқитиш кераклигини ўрганиб, ўқув дастурларимизга ўзгартириш киритиб оламиз. Кейин шу асосида керакли мутахассисларни етказиб берамиз.

– Ҳозирги жараёнларда стартап биз учун қанчалик муҳим?

– IT бўйича бутун дунё, жумладан, Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари ҳам эътибор қаратаётган нарса бу стартаплар. Яъни, янги йўналишдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш масаласи. Амити университети ўз фаолиятини яқин бир йилдан бери давом эттиряётганига қарамай, ҳозирда стартаплар бўйича энг илғор – IT-Парк билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Университетимиз кампусида айнан стартапларни қўллаб-қувватловчи алоҳида корхона ташкил этилади ва бу IT-Паркиннг бир қисми бўлади. Бунда бизнинг мутахассислар, талабалар томонидан амалга оширилган стартаплар кейинчалик корхона кўринишига келтирилиши учун қўллаб-қувватланади. Шунингдек, Ҳиндистоннинг ўзида, бутун дунёдаги Амити оиласида стартаплар учун алоҳида экотизим ташкил этилган бўлиб, у энг яхши лойиҳаларни танлаб олиш ва молиялаштириш билан шуғулланади. Бу тизимга талабаларимиз томонидан ишлаб чиқилаётган стартап лойиҳалар ҳам киритилган.

– Навбатдаги саволимиз қабул — 2020 жараёнлари ҳақида. Хабаримиз бор, бу йил ўзига хос, ҳали ҳеч бир таълим даргоҳида қўлланилмаган янгича ёндашувдан фойдаланибсиз... Яна бу йилги қабул квоталари ва абитуриентларга қўйиладиган талаблар ҳақида ҳам тўлиқроқ маълумот берсангиз.

– Мана навбатдаги 2020-2021 ўқув йили имтиҳонларини ҳам бошлаб олдик. Ой бошида имтиҳонларнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Бунда Ўзбекистонда биринчилардан сунъий интеллект имкониятидан фойдаландик. Айтиганингиздек, бу ўзига хос ёндашув бўлиб, абитуриент юзини таниб олиш, атрофдаги фонда бошқа одамнинг пайдо бўлиши, қўшимча овоз қўшилиши ва ҳоказоларни тезкорлик билан аниқлаб, жараёни тўлиқ назоратга олади. Ҳаққонийлик ва холислик нуқтаи назардан имтиҳонга Ўзбекистон томонидан мутахассислар жалб этилди. Имтиҳон давомида абитуриент-


ларнинг хатти-ҳаракати махсус платформа орқали Ҳиндистон томонидан бириктирилган 56 нафар мутахассис (профессорлар) назоратида бўлди.

Ўзбекистондаги карантин чоралари сабаб бизда ҳам қабул жараёнлари онлайн тарзда амалга оширилади. Хужжатлар амity.uz веб-сайти орқали электрон тарзда топширилади. Жараён эртароқ бошлангани учун кимлардир ҳали ўқув даргоҳидан (коллеж) хужжатларини олиб улгурмаган бўлиши мумкин, уларга кейинроқ топшириш имконини берамиз. Имтиҳонлар тўлиқ электрон тарзда ўтказилади ва абитуриентларга 50та тест тақдим этилади. Яна бир жиҳати, Амити университетиде олий таълимни уч йилда тамомлаш имконияти ҳам мавжуд. Яъни, Ўзбекистон стандартидан келиб чиқиб, ўқиб иккинчи босқичдан бошланади, деиши мумкин. Аслида дунё стандартида биринчи йил “Foundation” деб номланади. Бу умумий таълим берувчи йил бўлиб, йўналиш танланмайди. Бизда 11 йиллик таълим билан фақат “Foundation”га кирилади. Агар ўқувчи 12 йиллик, яъни коллеждаги уч йиллик таълимни битирган ва IELTSда энг камида 6 балл олган бўлса, асосий курсимизга топшириши мумкин. Биринчи босқичдан ўқийдиганларга IELTS талаб қилинмаслиги сабаби, уларга бир йил давомида инглиз тили чуқурлаштириб ўтилади. Шунингдек, математика, физика ёки бошқа йўналишлар ҳам. Кейинги йилдан йўналиш танланиб, дастурчи бўладими, туризм ёки иқтисодиёт соҳасими, шунга қараб дарслар давом эттирилади.

2020-2021 ўқув йили учун ҳам 500та квота белгиланди. Лекин бу Амити университети 500 нафар талабани олишга мажбур дегани эмас. Чунки абитуриент ҳеч бўлмаганда минимал талабларга жавоб бериши керак. Сифат жиҳатидан 200-300 талаба тўғри келса ҳам, ўқишни давом эттираверамиз.

– Бугун номдор университетлар ўртасидаги рақобатда четда қолиб кетмаслиги учун таълим беришда ўзига хос ёндашувлар, тақдим этилувчи имтиёзлар бўлади, тўғрими?..

– Бизнинг университетда ўқув жараёнлари контракт, яъни шартнома асосида ташкил этилган. Аммо 2020 йил учун ҳам биринчи беш фоиз даражадаги ўқувчиларга 10 фоизли ва биринчи ўқув йилини тугатиш натижаси бўйича энг яхши балл олган 10 фоиз талабаларга 25 фоизли чегирма тақдим этилади. Талабаларимизни айнан шу томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари, ўзининг стартапи ёки бошқа лойиҳалари, яхши ўқиши, алоҳида ажрالیб турувчи жиҳатлари бор ўқувчи (шу йўналишлар бўйича)лар бизга хужжат топширишса, лойиҳалари комиссия билан кўриб чиқилиб, тасдиқланса, 100 фоизлик чегирма, яъни тўлиқ грант бериш имконияти ҳам мавжуд. Булар келатган йилларда тақдим этилувчи чегир-



малардир. Шунингдек, ҳозирда Ўзбекистондаги жуда кўп корхоналар билан музокаралар олиб боряптим, бунда улар талабаларга шартнома пулларини тўлаб бериши эвазига кейинчалик шу корхоналарда ишлаш танловини қўядилар. Очиғи, бу жараёнда талабаларимизнинг оддий корхоналарга бориб ишлашни истамаймиз. Энг яхшиларини танлашга ҳаракат қиламиз. Университетимизнинг ўз олдига қўйган асосий мақсади – битирувчиларнинг келажақда ҳам ўрнини топиб, борган жойида сифатли, яхши иш кўрсата олишларидир. Чунки бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам университетлар даражаси ўқув жараёнига қараб эмас, балки битирувчилар сифат кўрсаткичидан келиб чиқиб белгиланади. Ва Амити университети бунга жиддий эътибор қаратади.

– Дарслар сифати кучли, тажрибали педагоглар, мутахассисларга боғлиқ, Амити бу танловда нималарни эътиборга олади?

– Университетимизнинг профессор ўқитувчилари 100 фоиз хорижий. Ўзбекистон томонидан қўйилган талаблардан бири ҳам айнан Амити университетидан энг яхши, катта тажрибага эга ва сифатга жавоб берадиган ўқитувчиларни олиб келиш бўлган. Шунга риоя қилган ҳолда бугун университетимизда фақат Ҳиндистонликлар дарс берапти. Лекин янги ўқув йилидан АҚШ, Буюк Британия ва Австралиядан ҳам ўқитувчиларни жалб этишни режалаштиряптим. Насиб этса, карантин тадбирлари муваффақиятли яқунланиб, ўқитувчиларнинг келиш имконияти пайдо бўлса, бу ниятимизга эришамиз ҳам. Чунки Амити учун энг муҳими – бу сифат.

– Пандемия сабаб онлайн таълимга ўтишга мажбур бўлдик. Агар бу жараён янги ўқув йилида ҳам давом этса, қийинчиликлар тугилмайдими?

– Ўзбекистонда онлайн таълим биринчилардан бўлиб айнан бизнинг университетда йўлга қўйилди. Пандемия бўйича Республика комиссиясининг карантин тадбирлари эълон қилиниши билан икки кун ўтар-ўтмас тўлиқ масофавий таълимга ўтдик. Хўш, бунга қандай қилиб тез эришдик? Юқорида Амити университети 17та давлатда фаолиятини олиб боради, дегандик. Биз улардаги тайёр платформаларда Ўзбекистонда ҳам фойдаландик. Бундан ташқари, дунёдаги таниқли брендлар платформасини ҳам қўлладик. Агар янги ўқув йилида ҳам карантин тадбирлари давом этади, университетга келиш имкони бўлмайди, дейилса, биз бунга тўлиқ тайёримиз. Ҳар томонлама онлайн таълимни давом эттиришга ва талабалар учун узлуксиз дарслар ўтишга ҳозирлигимиз бор.

Шоҳида ИСРОИЛОВА
сўхбатлашди

МИНИННОВАЦИЙ ЗАПУСТИЛО ОБРАЗОВАТЕЛЬНУЮ ПЛАТФОРМУ TECHNOBUS

Министерство инновационного развития Узбекистана запустило технологическую мобильную образовательную платформу TechnoBus. Ее цель — обучение молодежи в отдаленных районах страны.

Платформа разработана Министерством инновационного развития в качестве основы для Молодежных технопарков, которые поэтапно будут создаваться в каждом регионе страны, и формирования способной команды молодых людей для работы в таких технопарках.

TechnoBus оснащен современным необходимым оборудованием. Он создан на базе автобуса UzOtayol, который может питаться напрямую от электросети, генератора и батареи. В нем одновременно могут обучаться 12 учащихся.

Инновационная образовательная платформа будет вести обучение по направлениям:

- робототехника и электроника;
- 3D прототипирование;
- альтернативные источники энергии;
- программирование;
- VR/AR и другие интерактивные направления.

Первый визит был организован в Ахангаран.



НА ТОВАРНО- СЫРЬЕВОЙ БИРЖЕ УПРОСТИЛИ ЗАКЛЮЧЕНИЕ ИМПОРТНЫХ СДЕЛОК

На товарно-сырьевой бирже упростили заключение импортных сделок. Об этом сообщили в пресс-службе биржи.

Изменения, которые были предусмотрены постановлением президента, нужны, чтобы появилась возможность продавать импортные товары через биржевые торги в иностранной валюте.

Ожидается, что это позволит повысить привлекательность отечественной биржи для иностранцев.

При этом информация по заключенным контрактам вносится в Единую электронную информационную систему внешнеторговых операций биржей.

Нынешнее изменение — продолжение инициатив, начавшихся в начале года. Тогда малый бизнес получил доступ к монополюльной продукции на бирже.

К примеру, если раньше покупатели тех же технических семян могли быть лишь предприятия в структуре «Узпахтаёғ», то с нового года на бирже их могут покупать любые компании.

Планируется, что новый механизм приведет к снижению цен, удовлетворит потребности населения и откроет новые возможности для бизнеса.



ОНЛАЙН-АУКЦИОН

С 1 СЕНТЯБРЯ В ПОРЯДОК ОНЛАЙН- АУКЦИОНОВ ВНОСЯТСЯ ИЗМЕНЕНИЯ

Президент Шавкат Мирзиёев подписал постановление «О мерах по организации эффективного использования пустующих объектов и широкого внедрения информационно-коммуникационных технологий».

Согласно документу, с 1 сентября в порядок онлайн-аукционов вносятся изменения:



● результаты всех аукционных торгов будут оформляться с помощью QR-кода;

● участвовать можно будет через мобильные приложения, идентифицирующие личность.

● можно будет оформлять договор аренды объектов госсобственности через двусторонний договор в электронной форме (в том числе посредством ЭЦП).

● Создается электронный каталог, с информацией об имеющихся на торгах лотах, который периодически обновляется и размещается на официальном веб-сайте Агентства по управлению государственными активами.

Помимо этого, создается Центр по организации эффективного использования пустующих объектов. Он заменит государственные унитарные предприятия «Центр аренды государственного имущества».

БЕЗОПАСНОСТЬ

ДАННЫЕ УЗБЕКИСТАНСКИХ ПОЛЬЗОВАТЕЛЕЙ TELEGRAM УТЕКЛИ В СЕТЬ

Данные нескольких миллионов пользователей мессенджера Telegram утекли в сеть.

В Центре кибербезопасности сообщили, что речь идет о синтезе нескольких баз данных, содержащих такие данные, как name, fname, phone, uid и nickname. Всего таких строк в находящейся в свободном доступе базе 40 640 449, из которых 50 062 относятся к номерам узбекских сотовых операторов.

Что делать: специалисты центра запустили Telegram-бот, который позволит проверить, имеется ли принадлежащая вам конфиденциальная информация в базе

данных недавней утечки. Из-за большой нагрузки бот перестал работать.

Предварительное изучение показало совпадение более 50% скомпрометированных данных, что указывает на актуальность угрозы для узбекского сегмента пользователей мессенджера Telegram.

Все указанные данные могут быть использованы, например, для обзвона по принципу «холодных звонков», звонков с последующим списанием средств с баланса, для рассылки навязчивой рекламы и так далее.

В целях защиты от подобных угроз, центр рекомендует:

■ применять соответ-

ствующие настройки конфиденциальности в Telegram;

■ использовать только официальную версию Telegram;

■ не открывать файлы и не переходить по ссылкам в сообщениях, группах и каналах, без уверенности в отправителе и его благонадежности;

■ использовать надежные антивирусные программы;

■ сменить пароли доступа и число одновременных подключений к домашним роутерам;

■ оградить компьютеры и другие устройства, используемых для удаленной работы, от использования посторонними лицами.

В ГСБДД РАССКАЗАЛИ О ЗАПУСКЕ ОНЛАЙН- СИСТЕМЫ ПО ШТРАФСТОЯНКАМ

В Ташкенте в тестовом режиме запущена онлайн-система вывода автомобиля со штрафстоянки.

«Водителю, который нарушил ПДД, со стороны инспектора оформляется протокол о том, что автомашина отправляется на штрафсто-




янку. Данный протокол поступает в административный отдел, после чего его вносят в комплексную автоматизированную систему», — пояснил начальник отдела ГУВД МВД Ильхом Идилов.

После регистрации на сайте ГСБДД, на номер телефона водителя придет SMS с информацией о размере штрафа и местоположении штрафстоянки, где находится авто нарушителя.

Еще одним плюсом системы стало то, что водитель может предоставить все необходимые документы инспектору в онлайн-режиме. Исходя из этого, инспектор принимает решение о размере штрафа за правонарушение и размещает информацию об этом на сайте. Нарушитель может оплатить штраф через электронную систему или через кассу ближайшего банка.

Если система успешно пройдет тестовый режим, она будет внедрена по всей республике.

Германиядаги кимёгар магистр ҳамюртимиз: КОРОНАВИРУС СУЊИЙ РАВИШДА СИНТЕЗ ҚИЛИНМАГАН



– Музаффар, суҳбатимизни нима учун кимё соҳасини танлаганингиздан бошласак.

– Болалигимда мен ҳам кўплар қатори турли соҳаларга қизиққанман. Кимё фанига қизиқиш ҳам болалик йилларига тўғри келади.

Бошланғич синфда ўқиб юрган кунларимнинг бирида тасодифан юқори синфлар ўқийдиган қаватга чиқиб қолдим ва кимё лабораториясига кўзим тушди. У ерда кимё фани ўқитувчиси болаларга қандайдир бир ажойиб “вулкон” реакциясини кўрсатар, ҳамма ўқувчилар уни катта қизиқиш билан томоша қилиб ўтиришар эди. Ана шу тасодиф ва кимёвий жараён туфайли кимё фанига қизиқа бошлаганман.

Шундан кейин бакалавр босқичини кимё йўналиши бўйича Ўзбекистон миллий университетида ўқидим. 2018 йил Ислоҳ Каримов фондининг грант танловида ғолиб бўлиб, Германиянинг Зиген университети магистратура босқичида таҳсил оляпман.

Германияга келишимга сабаб эса, мамлакатда илм-фан соҳаси, хусусан, кимё фанининг нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам жадал ривожланаётганлиги бўлди. Шу боисдан Ўзбекистонда кимёнинг тараққий этиши учун Германия тажрибасини ўрганишга ва олган билимларимни соҳа ривожига йўлида қўллашга қарор қилдим.

– Ўзбекистонда кимё соҳасининг ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммолар нималар ва уларнинг ечими бўйича қандай таклифларингиз бор?

– Кимё соҳаси инсониятнинг ривожланиши, урбанизациялашувида беш минг йилдан ортиқ вақт мобайнида жуда катта ҳисса қўшган ва қўшиб келмоқда. Масалан, дастлабки цивилизациялар метални қандай аж-

“Хориждаги ватандошлар” лойиҳамиз орқали бу гал Германиянинг нуфузли Зиген университети кимё йўналиши магистранти Музаффар МАҚСУМОВ билан суҳбатлашдик. Қаҳрамонимиз билан суҳбатимиз кимё, унинг имкониятлари, юртимиз кимё соҳасидаги муаммолар ва шу каби бошқа мавзуларда кечди.

ратини ва унга қандай ишлов беришни ўрганиб иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан етуқликка эришган.

Ҳозирги кунга келиб, кимёнинг ривожланиши бизга LEDлар, қуёш панеллари, электр-транспорт батареялари, енгил ва пўлатдан мустаҳкам углерод нанотолаларни берди. Бу борада юртимиздаги кимёвий моддалар манбаи турли-туман. Аммо Ўзбекистоннинг асосий кимё ишлаб чиқариши нисбатан мураккаб бўлмаган, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш учун мўлжалланган моддалар билан чекланиб қолган.

Шунингдек, мамлакатимизни кимёгар мутахассислар билан таъминлайдиган олий ўқув юртларида етарли шарт-шароит яратилмаган деб, ўйлайман. Боиси, биргина ўзим таҳсил олган Ўзбекистон миллий университетининг кимё факултети ҳозир ҳавас қиларли ҳолда эмас. Факултет биноси қайта таъмирланганидан сўнг лаборатория хоналарининг кўпи синф хоналарига айлантирилди. Ўйлашимча, бу энг катта хатоликлардан бири бўлган.

Кейин кузатишларим натижасида тўрт йил давомида талабаларнинг аксарияти фақатгина назарий билимларга асосланган диплом ишлари қилишди. Битирувчи талабалар ишлаб чиқариш, педагогик фаолият ёки таҳлил-лаборатория марказларига боришдан қатъи назар улар ўзлари билган назарий билимларни амалиётга жорий қила олишмайди. Совет иттифоқи пайтидан қолиб кетган оддий пробиркали реакцияларни кўрсатиб юриш даври Европада аллақачон тугаган. Аминманки, амалиётни кўпайтирмас эканмиз, назарий билимларимиз қоғозда қолиб кетаверади.

Яна бир энг катта муаммолардан бири – нафақат кимё соҳасида, балки бошқа соҳаларда ҳам мавжуд. Масалан, деярли барча олий ўқув юртларида мутахассислик фанларидан ташқари ортиқча кераксиз фанлар талайгина. Бунинг натижасида талабалар на мутахассилик, на бошқа фанларни чуқурак ўргана олишмаяпти. Икки йилдан бери Германияда ўқиб, бу ернинг тажрибасидан келиб чиқиб айтишим мумкинки, кимё соҳасидан мутахассис тайёрлайдиган олий ўқув юртларининг лабораторияларини замон талабларига мос равишда қайтадан жиҳозлаш керак.

Шу билан бирга, мутахассислик фанлари соатлари кўпайтирилиб, амалиётга урғу берилиши ҳамда номуахассислик фанларини қисқартириш, фақат қизиқувчиларга уларни танлов фани сифатида қолдириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

– Юқорида Германия тажрибаси ҳақида гапирдингиз. Ўзбекистонда Германиянинг яна қандай тажрибаларини жорий этиш мумкин деб ҳисоблайсиз?

– Бу ерда энг кўп қулайликлар талабаларга яратилган деб ўйлайман. Шу сабабдан бўлса керак, Германиядаги халқаро талабалар сони йилдан-йилга кўпайиб

бормоқда. Менимча, мана шу борадаги тажрибаларини чуқурак ўрганиш ва энг мақбуллари мамлакатимизда жорий этиш мумкин.

Қолаверса, ички туризмни ривожлантириш бўйича ҳам яхши имкониятлар бор. Мисол учун, бу ерда кунлик, ҳафталик, ойлик ҳатто йиллик йўл чипталари жорий қилинган. Ана шу чипталар орқали шаҳарлараро барча транспорт турларидан фойдаланиб саёҳат қила оласиз. Бу, ўз навбатида, Германия учун ички туризм, халқаро туризмдан қолишмайдиган даражада маблағ олиб келишига ёрдам бермоқда.

– Бўш вақтларингизда нима-лар билан шуғулланасиз?

– Германияда иш ва ўқиш куни беш кунлик тизимда, шу сабабдан шанба ва яшанба кунлари барча одатда саёҳат қилади. Мен яшаётган шаҳарнинг атрофи ўрмонлар билан ўралгани туфайли бўш вақтларда маҳаллий ва хорижлик талаба-дўстларим билан ўрмонларга борамиз ва атроф-муҳитни ўрганишимиз, табиат кўйида ҳордиқ чиқарамиз. Немисларнинг айтишича, кучли ақлий меҳнат ва жисмоний фаолликнинг уйғунлиги иш ва ўқишдаги унумдорликни оширади.

Китобхонлик бобида ҳам намунали бўлишга ҳаракат қиламан. Германияда кутубхоналар ҳафтанинг ҳар куни ишлайди. Шунинг учун баъзан дам олишни китоб ўқиш билан ўтказаман. Охириги ўқиган китобим иқтисодиёт бўйича ўз таҳлиллари билан танилган Жеймес Робинсоннинг “Why Nations Fail” (“Нега халқлар енгилмоқда”) китоби бўлди.

– Кимёгар мутахассис сифатида коронавирус бўйича фикрларингиз қандай?

– Ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бу шубҳасиз коронавирус ҳисобланмоқда. Шу кунга қадар вируснинг келиб чиқиши ҳақида ҳам турли қарашлар илгари суриляпти. Лекин уларнинг кўпчилиги мантиққа тўғри келмайди ва илм-фанга асосланмаган. Илмий излашлар ва тадқиқотларни кузатиб айта оламани, вирус суъний равишда синтез қилинмаган, аниқроқ айтганда ихтиро қилинмаган. Назаримда у бир ҳайвондан иккинчи ҳайвонга ўтганида табиий равишда ўзгариб, ҳозирги кўринишга келгани илмий жиҳатдан тўғрироқ.

Фурсатдан фойдаланиб, юртдошларимизга гигиеник қоидаларга, айниқса, ниқоб тақиш ва масофа сақлашга амал қилишларини сўраган бўлардим. Боиси юртимизда карантин юмшатиладиган сўнг касалланиш ҳолатлари сезарли равишда кўпайди. Бу ўз соғлиғимизга биринчи гада ўзимиз масъул эканлигимизни кўрсатмоқда.

Нурилло ТҲУТАСИНОВ
суҳбатлашди



Рақамли иқтисодиёт:

КУЧЛИ БИРНИ ЕНГАДИ, АҚЛЛИ — МИНГНИ...

Рақамли иқтисодиёт (веб, интернет-иқтисодиёт, электрон иқтисодиёт) – рақамли технологияларга асосланган иқтисодий фаолият демакдир, у электрон тадбиркорлик ва электрон тижорат билан, улар ишлаб чиқарадиган ва сотадиган рақамли маҳсулотлар ва хизматлар билан боғлиқдир. Ишхоналарга компютер ўрнатишимиз ёки кеча чўтда ҳисоблаган даромаду буромадни калкуляторда ҳисоблашимиз ҳали рақамли иқтисодиётга ўтишимизни билдирмайди. Рақамли иқтисодиёт ўша компютерларни ихтиро қилиш ва улар учун дастурлар ёзиб, даромад олишдир ва у катта билим ва интеллектни талаб қилади.



Рақамли иқтисодиёт концепцияси XX асрнинг охириги ўн йиллигида пайдо бўлди. Буни 1995 йилда ишловдан Массачусетс университети олими Николас Негропонте атомларни қайта ишлашдан мегабитларни қайта ишлашга ўтиш, дея таърифлаган. Унгача бўлган маҳсулотларда “жисмоний” хусусиятлар бор эди (оғирлик, хомашё, транспорт), янги рақамли иқтисодиётда афзалликлар шуки, уларда маҳсулотнинг оғирлиги йўқ, у виртуал, хомашё деярли лозим эмас, маҳсулот бир лаҳзада дунёнинг у четидан бу четига етади.

Ҳали Қўчқоркул тезакни керосинга ботириб ёққанидан хурсанд бўлган пайтларда – 2012 йилда Boston Consulting Group компанияси ривожланган йигирмата (G20) давлатдаги “интернет-иқтисодиёт” кўламини \$2,3 триллион деб ҳисоблаганди. Бу ўша даврдаги Ўзбекистондай давлат ялпи ички маҳсулотининг юзтасига тенг эди.

Рақамли иқтисодиёт ўсиши бутун иқтисодга таъсир қилади, рақобатни оширади ва яхлитлаштиради. Ижтимоий нуқтаи назардан, масалан, ҳар бир инсон ер юзининг истаган нуқтасидан маҳсулот топиши ва сотиб олиши мумкинлиги худудий чегарани шаффофлаштиради, тилларни ўрганишга олиб келади, халқлар ўртасидаги хайрихоҳлик

муҳитини яратади. Умуман онлайн-дўконлар орқали маҳсулот харид қилиш реал маконда бир ерга бориш заруратини камайтиради, савдо марказларида одамлар камайдди, бозор ва магазинларга шошаётган одамлар маҳсулотларни уйдан туриб сотиб олади, бу транспорт тизимининг юкини ҳам енгиллаштиради, натижада атроф-муҳит ифолосланиши камайдди.

Рақамли иқтисод ва электрон ҳукумат

Аҳоли ўсиб бораётган ва захиралар ишга солинаётган дунёда рақамли иқтисодиёт ижтимоий ҳаётга янада дадил кириб боради ҳамда соғлиқни сақлаш, таълим, банк ва ҳақозо соҳаларни қамраб олади.

Барча ҳужжатлар электрон шаклга ўтиши, электрон ҳужжат айланиши ва электрон имзо қарор топши мантиқий тарзда фуқаронинг давлат ва ҳукумат билан муносабатларини юқори кабинетларга ташрифлар ва қабул учун навбатларни бекор қилиб, электрон платформага ўтказида бу эса сарсон-саргардонликлар, навбатлар, асабийликларни ва, энг асосийси, мансабдор ва илтимосчи учрашувини, коррупцияни йўқотади. Шунинг учун мансабдор аҳли рақамли иқтисодиётга ўтишга шошилмайди.

Технологияларни тафаккур яратади

Инсоният жамияти пайдо бўлганидан то бугунгача ривожланиб келади. XXI аср – ахборот асри бўлди ва аллақачон тараққий қилган давлатлар иқтисоди рақамли ахборот технологиялари ва электрон хизматлар соҳасига ўтди. Энди бойлар электрон дўкон соҳиблари ва ахборот технологиялари дастурчиларидир.

Бугунги бойлар ва бой давлатлар пунли пахта етиштиришдан, товуқ боқишдан, қалампир етиштиришдан топаётгани йўқ. Бугунги бойларнинг ва бой давлатларнинг ҳамда халқларнинг фаолият соҳаси – юксак технологиялар. Технологияларни тафаккур яратади. Тафаккур фикр айланган жамиятда ривожланади. Фикрни матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари айлантиради.

Мана бугуннинг бадавлат инсонлари: соҳалари юксак технологиялар бўлган Уолтонлар оиласи 130,59 миллиард долларга эга (бу 33 миллионли Ўзбекистоннинг уч йиллик бюджети), Билл Гейтс (“Майкрософт” компанияси соҳибчи, компютер дастурчиси) 91,9 миллиард долларга эга – бу Ўзбекистоннинг икки йиллик ялпи ички маҳсулотидан зиёд. Рўйхатни Жеф Безос (\$80,92 миллиард доллар), Марк Цукерберг (\$61,92 миллиард доллар), Ларри Пейж (\$34,2 миллиард доллар), Сергей Брин (\$43,35 миллиард доллар), Жек Ма (26,7 миллиард доллар)лар билан давом эттириш мумкин)... Дунёда 2 200 миллиард бор, уларнинг бойлиги \$9 триллион доллардан ортиқдир.

Кўряпмизки, бугун капитал ахборот технологиялари соҳасида айланмоқда ва баъзан бир-икки одамнинг тафаккури меҳнати бутун бир давлатларнинг ҳарақати, халқларнинг машаққатли меҳнатидан кўра самаралироқдир. Дунёга интеграция бўламан деган давлат тафаккурнинг йўлини очади, яъники, сўз ва фикр эркинлигига имкон беради, матбуотни эркинлаштиради.

Рақамли иқтисодиётнинг ижобий жиҳатлари

Рақамли технологиялар туфайли истеъмолчи халқ ўзига зарур хизмат ва маҳсулотларни тезроқ олади, маҳсулотларни онлайн-дўкондан оларкан, йўлга кетадиган маблағи ва вақтини ҳам тежайди, нархни ҳам турли дўконларга солиштириб, арзонини олади. Масалан, китобларнинг электрон нусхаси чоп этилган аслидан бир неча баробар арзонга тушади, электрон биржаларда арзон савдо қилиш мумкин. Ҳатто уйда ўтириб, ўз онлайн бизнесингизни ҳам оча оласиз.

Жаҳон банки ўзининг “Рақамли даромадлар” номли таҳлилида рақамли иқтисоднинг афзалликларига яна шуларни киритган:

- меҳнат самарадорлигини оширади;
- бизнеснинг рақобатбардошлигини юксалтиради;
- ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради;
- янги иш ўринлари яратади;
- қашшоқликни енгиш ва ижтимоий тенгсизликни бартараф қилишга кўмаклашади.

Рақамли иқтисодиётнинг салбий жиҳатлари

Албатта, ҳаётга “рақамли технологиялар” жорий этилиши ва электрон тижоратнинг бир қатор таҳликалари ҳам мавжуд. Лекин тараққийёт ахборот технологияларисиз мумкин эмас ва бу жараён муқаррар экан, вазифаларимиз – бу таҳ-

ликаларга тайёр туриш ва хавфларнинг олдини олишдир.

Таҳликалар:

● кибертаҳликалар, яъни хакерлар ҳужуми, интернет-фирибгарлик, шахсий маълумотларнинг ўғирланиши (бу таҳлика аҳолининг ахборот технологияси соҳасида савдонлиги оширилиши орқали ечилиди);

● “рақамли куллик” (миллионлаб инсонларни назорат қилиш ва улар онгини бошқариш);

● ахборот технологиялари ривожини айрим соҳаларнинг самарасизлигига, йўқолишига ва ўзгаришига олиб келиши муқаррар, бунинг натижасида ишсиз қолган янги соҳаларга мослашиши керак (масалан, кўпчилик таҳлилчилар, банк соҳаси аста-секин йўқолишини таҳмин қилмоқдалар, чунки маошлар бевосита корхоналарнинг ўзидан пластикка туширилиши мумкин, қарзни истаган одам бевосита жалб эта олади, тўловларни ҳам банксиз пластигидан амалга ошираверади). Ҳайдовчисиз таксилар пайдо бўлмоқда, интернет-ботлар, электрон кассалар мижоз билан бевосита сўтувчисиз муомала қилапти ва ҳоказо.

● “рақамли тафовут” (рақамли иқтисодиётда бир мамлакат ичидан ҳам, мамлакатлараро ҳам технологияда илгорлар ва илмсизлар ўртасида табақаланиш юзга келади).

Дунёнинг илгор рақамли иқтисодлари


Mastercard компанияси Тафтс университетининг Флетчер номидаги Ҳуқуқ ва дипломатия мактаби билан бирга ўтказган Digital Evolution Index таҳлилларига кўра, Россия рақамли иқтисодлар рейтингинда 39-ўринда бўлиб, Хитой, Ҳиндистон, Малайзия ва Филиппиннинг ёнидан жой олган. Бугунги кунда энг илгор рақамли иқтисод Норвегия, Швеция ва Швейцариядадир. Илгор ўнтаклика яна АҚШ, Буюк Британия, Дания, Финландия, Сингапур, Жанубий Корея ва Гонконг киради.

Дарвоқе...

Мана, тожливироз даврида ҳам аён бўлдики, рақамли иқтисод шу шароитда ҳам ўсмоқда. Масалан, биз талабаларга ва журналистларга Zoom ва Moodle дастурлари орқали видеодарслар, видеосеминарлар (вебинар) ўтказдик, ҳатто оралик ва якуний имтиҳонларни платформада олдик. Ҳуқумат ўзининг мажлисларини электрон видеолоқа орқали ўтказмоқда...

Рақамли иқтисодиёт суръатини кўрсатиши учун яна бир мисол: ҳаммамиз “Покемон” деган мулфилмни эслаймиз. Покемон – инглизча Pokemon, Pocket Monster – “чўнтакбоп баҳайбат” иборасининг бош қисмларидан тузилган сўз. Бу медиафраншизани 1996 йилда Сатоси Тадзири яратган. Бу образ ва унинг асосида олинган мулфилм бутун дунёга тарқалди ва миллиардлаб доллар фойда келтирди, кейин унинг уйинчоқлари, сўнг видеоўйин версиялари пайдо бўлди ва бир неча миллиардлаб даромад олиб келди. Дастлабки тимсолларни 11 расом яратган. Унинг асосида 2016 йилда Pokemon GO видеоўйини яратилди ва биринчи йилдаёқ 832 миллион доллар даромад келтирди. 2017 йилда \$589 миллион, 2018 йилда – \$816 миллиондан зиёд фойда кўрилди.

Мулфилмни ва видеоўйинни бир марта беш-ўн кишилик жамоат бир-икки ойда яратади, кейин у интернет тармоғида, платформа-



ларда айланаверади, меҳнат талаб қилмайди, уни бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ташишга улкан харажат ва ойлаб вақт кетмайди, бир лаҳзада дунёнинг у четдаги одам кўраверади.

Кўряпмизки, ўнта одамнинг бир неча кунлик интеллектуал меҳнати ва рақамли иқтисодиёт анъанавий иқтисоднинг миллионлаб одамларнинг йил бўйи қилган меҳнати ва сарфлаган вақтидан кўп фойда келтирмоқда. Бутун бир мамлакатнинг тинимсиз йиллик меҳнати битта компьютер дастурчиси ақли билан топяпти.

Шунинг учун ҳали ҳам ерни деҳқонга берсакми, боғлар ва сабзавотзорларни бузиб, пахта экакми деб ўтиргунча, болаларни ўқитиш керак, замонавий технологиялар соҳасига олиб кириш керак. Бу соҳада бир кун кечиккан халқ бир йил ортда қолади, бир йил кечиккан халқ ўн йил ортга кетади.

Бугунги иқтисодиёт улкан ҳудудларни эгаллаш ва тасарруф қилиш, қазилма бойликларни сотиш, ҳатто улкан сармоялар киритиш билан ўлчанмайди. Бугунги иқтисоднинг бойлиги ва асосий захираси – технологиялар ахборотлар, инсон онги ва ақлининг сифати, хусусий ташаббусга йўл бериш ва бизнес шароитини яхшилаш орқалидир. Бугун дунё иқтисодининг асосий соҳаси саноат ва қишлоқ ҳўжалиги эмас, ахборот-коммуникация, илмий-конструкторлик, таълим, тиббиёт, молия, сайёҳлик ва бошқа кўнгилочар хизмат кўрсатиш соҳасидир (тараққиёт қилган мамлакатларда у ЯИМнинг 70 фоиздан кўпини ташкил қилади). Бу иқтисод ҳар кун янги маҳсулотлар яратяпти (маҳсулотлар ва хизматлар), технологияларни, хомашё ва асҳаларни, истеъмол турлари ва рақобатнинг янги шакллари жорий этмоқда. Бу ривожланишдан орқада қолган халқ, ортда қолаётган мамлакат ривожланмайди. Ҳаёт тарзи, муомала ҳар кун ўзгармоқда.

Илон Маск коинотга ракета учиргани хабари ёзилганида, унинг остига бир биродаримиз шарҳ қолдирибди. Қисқача мазмуни шу: Илон Маскнинг болалигида пахта теришга ҳайдашмаган, у институтда ўқиганида ўқитувчилари дарс бериш ўрнига мафқуравий тарғибот соатлари ўтказмаган, у фирмасини очганида солиқ, санитария, прокуратура ҳар кун босиб текширавермаган, унинг фирмаси биносини сўғориладиган ерга қурибсан, деб ҳокими бузиб ташламаган... Бу гапларда жон бор. Ақлли, халқ салоҳиятини қувватлаш керак, ҳар ташаббускорнинг тепасига ўнта назоратчи қўймастик керак.

Ва ниҳоят...

Рақамли иқтисодиётнинг ривожини халқнинг эркинлигига, сўз ва фикр алмашинувиغا боғлиқдир... Очилмаган истеъдодлар, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётига доир фикрларга эга бўлганлар халқимиз орасида кўп. Ҳамма соҳада. Сўз эркинлиги амалга ошса, бу фикрлар айтилса, муҳокама қилинса, рақамли иқтисод ҳам ривожланади, маънавият ҳам ўсади, ижтимоий ҳаёт ҳам яхшиланади. Айнан сўз эркинлиги мавжуд мамлакатлар бой эканига эътибор беринг. Бу Япония, АҚШ, Англия, Корея, Франция, Швейцария ва ҳоказо. Бу бежиз эмас. Сўз эркинлигисиз бой бўлган давлат йўқ.

Бугун давлат ҳудудини кенгайтириш, сўғориладиган ерларни кўпайтириш, тиббий бойликларни қазиб олиш ва сотиш билан замонавий иқтисод ўсмайди – ернинг эгаси бор, захираларнинг сўнги кўриняпти. Бунинг ўрнига иқтисодни монополизм чангалидан чиқариш, аграр соҳада ерни деҳқонга ишонини, унинг эркини бериш, иқтисодда бозор иқтисодини рўстакмига жорий этиш керак. Рақамли иқтисод ривожини учун ахборот, сўз ва фикр эркинлигини таъминлаш керак. Шундагина биз ер ости бойликларини сотадиган ва дунёни гастербайтерлар билан таъминлайдиган мамлакатдан юксалиб, тараққий қилган дунёга қўшилаемиз.

Карим БАҲРИЕВ,
шарҳловчи

ТАТУДА ЯНГИ МАГИСТРАТУРА Йўналиши Очилди

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида Erasmus+ дастури доирасида амалга оширилган “Рақамли қишлоқ ҳўжалиги учун янги ва инновацион курслар – NICOPA” (2018-2021) лойиҳа асосида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб “Геоахборот тизимлари ва технологиялари” номли магистратура йўналиши очилди.

Ушбу йўналишнинг бўлажак магистрлари Европанинг нуфузли университетлари (Technical university of Berlin, Agricultural university Plovdiv, Czech university of Life sciences Prague) билан ҳамкорликда тайёрланган ўқув режа асосида таълим олишади.


Бунда Геоахборот тизимлари, Масофадан зондлаш технологиялари ва иловалари, SENTINEL-1-2-3 тасвирлари билан ишлаш, Компютер қуриши, Гео-портал, геохизмат, гео-таҳлил тизимлари учун веб-технологиялар, Рақамли қишлоқ ҳўжалиги асослари, Геоахборот тизимларида сўнгий интеллект ва бошқа шу каби мутахассислик фанлари асосида замонавий билим ва кўникмаларга эга бўладилар.

Ўз навбатида, лойиҳа доирасида PAL (Precision Agriculture Lab) лабораторияси ташкил қилиниши ва магистрларнинг фанларни ўзлаштириши ҳамда илмий ишларини самарали олиб боришида бевосита мазкур лаборатория қурилмалари ва жихозларидан фойдаланиш режалаштирилган.

MyHealth — ШИФОКОР БИЛАН УЧРАШИШНИНГ ОСОН ЙўЛИ

Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети талабалари томонидан шифокорга масофадан ёзилиш мобил иловаси ишлаб чиқилмоқда. Керакли мутахассисни топиш, клиникани танлаш, қулай кун ва вақтда шифокор билан учрашишнинг осон йўли. Талабалар томонидан ишлаб чиқилган MyHealth мобил иловаси буларнинг барчасини тезда ва энг муҳими масофадан туриб бажаришга ёрдам беради.

Университетнинг компютер ва дастурий инжиниринг факултети 2-босқич талабалари Абдулатиф Убайдуллаев ва Азизжон Раҳимовлар MyHealth иловаси муаллифларидир. Уларнинг фикрига кўра, бундай дастурни яратиш гоёси шифокорга бўлган навбатдаги таширидан сўнг пайдо бўлган.



– Яқинда ўзим шифокорга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Мен, албатта, пандемия вақтида мутахассисларни топиш ва фаолият юритаётган тиббий клиникаларда юзга келган барча нуқулалликларни инкор этаман. Биринчи текширув шахсан шифокор томонидан ўтказилди. Кейинги барча маслаҳатларни Телеграм орқали берди. Шундан кейин менга бутун жараённи автоматлаштириш гоёси келди: шифокорни топишдан тортиб, дориларни қабул қилиш вақти тўғрисидаги эслатмалар, – дейди Абдулатиф Убайдуллаев.

Дастурчиларнинг асосий мақсади барча тиббий марказларни глобал платформада бирлаштириш, унда беморлар клиникани танлаш имконига ҳам эга бўладилар ва тиббий клиникалар орасида соғлом рақобат вужудга келади.

– Илова, шунингдек, вилоятлар аҳолиси учун пойтахтда шифокорлар ва клиникаларни топиш жараёнини анча соддалаштиради, навбат кутмасдан мутахассислар билан масофадан туриб ёзилиш, кейинчалик эса шифокор билан боғланиб, беморнинг умумий ҳолати ҳақида суҳбатлашиш ва даволаниш имконини беради. Буларнинг барчаси онлайн илова орқали амалга оширилади, – дея қўшимча қилади Азизжон Раҳимов.

Ҳозирда дастур ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бир қаторда, ҳамкорлар ва хусусий тиббиёт марказлари билан музокаралар олиб бориляпти.



“**Хотинининг телефондаги ёзишмаларини ўқиб қолган эр ва бундан хабар топган қайнона аёлни хиёнаткорликда айблашмоқда, оила бузилиш арафасида, уч фарзанд чирқиллаб турибди.**”

Кўкон шаҳар хотин-қизлар кўмитаси қошидаги Аёллар ижтимоий реабилитация ва мослашув маркази мутахассислари ўрганиб, муҳокама қилган бир воқеа тафсилотини эшитиб, беихтиёр Парвардигори оламнинг: “Эй Пайғамбар аёллари! Агар тақводор бўлсангиз, (ўзга) аёлларнинг бирортаси каби эмасдирсиз. Бас, сизлар (номаҳрам эркакларга) майин сўз қилмангиз, акс ҳолда қалбида бузуқлик бўлган кимса (сиздан) таъма қилиб қолур. Яхши (тўғри) сўзни сўзлангиз!” (Аҳзоб сураси, 32-оят) калимаси қалбимни титратиб ўтди. Гарчи хитоб Набий алайҳиссалом завжаларига қаратилган бўлса-да, барчамизга бевосита тааллуқли эканини ҳаёт тез-тез таъкидлаб туради.

...Уч фарзандли аёл янглишиб бошқа телефон рақамига пул тўлаб кўйганидан кейин ўша рақам эгаси билан боғланиб, пулни ўз телефонига ўтказиб беришини сўрайди. Нотаниш одам (эркак)дан эса “Овозингиз ёқимли, майин экан. Гаплашиб турсак бўладими?” мазмунда SMS келади. Ёзишмалар бошланиб кетиб шу даражага етдики, эркак аёлнинг гапларини ўқигани сайин “Бу ҳаётда анча қийналган, қалби ўксиган қиз экан”, деган фикрга келади ва бойибдан (SMSлар орқали) унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилади.

Хотинининг телефондаги ёзишмаларини ўқиб қолган эр ва бундан хабар топган қайнона аёлни хиёнаткорликда айблашмоқда, оила бузилиш арафасида, уч фарзанд чирқиллаб турибди.

– Мен у аёлнинг эри, фарзандлари борлигини билмадим, кўрганам ҳам йўқ, – дейди SMSлар ёзган – ҳали уйланмаган йигит алоҳида суҳбатда. – Агар оила бузилиб кетса, бир умрлик изтиробда қоламан.

– Отам ўлган, онам билан синглим четга ишлагани кетишган. Турмуш курганимизга ўн йил бўлди. Дастлабки беш йилда эрим билан аҳил-иноқ эдик. Лекин кейин у бошқа аёлга айланишиб қолди, қайнонам бу ҳолни билиб билмаганга олади. Эримнинг мен билан унчалик иши йўқ. Ёлғизман, дардимни кимга айтишни билмайман, – деб йиғлайди аёл. Бу гап билан ўз

ёзишмалари сабабини изоҳламоқчи бўлади, аммо...

“Агар овози табиатан ёқимли, майин бўлган тақдирда ҳам, нотаниш эркак одоб чегарасини бузиб мулозамат-мақтов қилган дастлабки лаҳзалардаёқ аёл “Пулимни телефонимга қайтаринг” қабилдаги жиддий илтимос билан гапга кўйиши тўғри йўл бўларди. Танимаган, билмаган одамингга (бировнинг хотини ва уч боланинг онаси эканини айтмасдан) ахволу ҳолингни дастурхон қилиб, кўнглинг яримлигини билдириб ҳис-туйғуларга берилиш – ўзинг никоҳида бўлган эркакка хиёнат. Оила сирини бегонага айтиш яхшимас, бу билан нимага эришди?” – воқеадан хабардор бўлганларнинг аксарияти шундай фикрда.

Онам раҳматлининг бир ажойиб одат-ўғитлари ёдимга тушди: кўни-кўшни, қариндош-уруғдаги аёллардан биронтаси эри ёки қайнонасидан нолиб, хафа бўлиб қолса, “Шундай пайтда сиз болаларингизга қаранг. Улар қандай ширин, сизнинг энг катта юпанчингиз. Гаплашинг, бирга ишларингизни бажаринг, кўнглингиз ёришади”, дер эди.

Ҳақиқатан ҳам, аёл Аллоҳнинг энг бебаҳо неъматини – уч фарзандга она бўла туриб, уларнинг шукрини қилиб, қувончу ташвишлари билан яшамай, “Ёлғизман, дардимни кимга айтишни билмайман”, деб ўзи танимаган одамга ҳис-туйғуларини ошкор этишини ҳеч ким оқламаसा керак.

Яна бир мулоҳаза: қарс икки қўлдан чиқади. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг: “Имони энг комил мўмин хулқи энг гўзалидир. Сизларнинг энг яхшиларингиз аёлларига яхши муносабатда бўлганидир” (Имом Термизий ривояти) деган ҳадислари барча оила бошлиқларига ҳар кун тўғри йўл кўрсатиб турадиган насиҳат, ибратдир. Юқоридаги воқеага қайтсак, агар оила қурилганининг дастлабки йилларидаги аҳилликни, ўзаро меҳр-хурматни асраб, мустаҳкамлашга эру хотин бирдек сабр-тоқат, яхши ният билан ҳаракат қилишганда, кўнглихиралиқлар, ишонсизликларга йўл очилмасмиди... Бугун хотинидан норози эр ажралиш


нияти қатъий эканини айтмоқда, рўзғори бузилса борадиган жойи йўқ аёл — она эса ўзини оқлашга уринади, аро йўлда турган уч болани катталар унутгандек... Уламолар адашган аёлини кечириб, уни тўғри йўлга солиб, оилани сақлаб қолган эркакка алоҳида савоб берилишини айтганлар. Оила бошлиғи ҳиммат, шафқат, фарзандлари олдидаги масъулиятга садоқат билан хайрли йўл тутса, нур устига нур бўларди.

Бусиз ҳам турфа ва кутилмаган воқеалар сабабчиси – телефондаги шунчаки, ўйлаб-ўйламасдан, кўнгли майлини енголмай амалга оширилган SMSларга алоқадор одамларни овоза этмоқ учун қоғоз қораламадик. Куръони қаримда аёлларга қарата яна марҳамат қилинади: “Ўз уйларингизда қарор топингиз, (кўчага чиққанингизда) илгариги жоҳилият (даври) яسانيшдек ясанмангиз! Намозни баркамол адо этингиз, закотни берингиз ҳамда Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат этингиз!..” (Аҳзоб сураси, 33-оят). Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ мўмина аёлларга овози, туйғулари, либосию юриш-туриши-ғача бегона эркаклардан ҳаё-андиша ниқоби билан тўсишни буюрган. Шунда уларнинг қалби ҳаловатли, ҳаёти осойишта кечади, иншааллох, Мулоҳазаларга шу ўринда нуқта қўймоқчийдим, ногоҳ ўйлаб қолдим: қўл телефонларимизга ижтимоий тармоқлар орқали “оқиб” келаётган суратларнинг аксари аёллар, қизларнинг киёфалари. Кап-катта ёшли бувилар ҳам богдаю тоғда гоҳ ундоқ-гоҳ бундоқ кийиниб, ўйнаб-кулиб юрган-турганидан оламга хабар беришга ружу кўйиши оддий ҳолат бўлиб қолди. Улардан қолиш-масликка уринаётган қизлар, қизчалар қанча!.. Ҳаё пардалари кўтарилган расмларни кўргач, нафсинг, шайтоннинг кўтқусига таслим бўлган қалбларда бу оналар, опа-сингиллардан нималарнидир ошқору пинҳон таъма қилиш нияти тугилиб, оқибати нохушлик билан тугаётгани ҳам янгилик эмас.

Аёл (эркак)лик шаънига, давлат, шарият, инсонийлик талабу қоидаларига зид бўлган ҳар қандай ҳаракат, қадамни “Одамлар билмайди, кўрмаяпти-ку!” деб ўзимизни алдамайлик. Зеро, то тирик эканмиз, барча амалларимизга муносиб ажру муқофот бериши муқаррар бўлган Ҳақ таоло қузатувидамиз.

Муҳтарама УЛУҒОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими

“Ёлғизман,
дардимни кимга
айтишни билмайман”,
деб ўзи танимаган
одамга ҳис-туйғуларини
ошкор этишини
ҳеч ким оқламаसा
керак.



Икки ёш филолог яхши даромад олиш йўлини топишди

Яқинда Бухорода аҳолига IT-мутахассисликларни ҳамда компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ўргатишга мўлжалланган янги IT-марказ ўз эшикларини очган эди. Очилиш маросимида биз бухоролик ёш ва иқтидорли мутахассис Мироншоҳ МУСТАФӨЕВ билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдик. У суҳбат давомида қандай қилиб IT-соҳасига кириб келгани ҳақида сўзлаб берди.

– Сизда таълим йўналишида платформа яратиш гоёси қаердан пайдо бўлди?

– Мен ҳамкасбим Сардор билан инглиз филологияси факултетида бирга ўқидим. Биз чет тиллари бўйича репетитор сифатида ишлаб, даромад олувчи кўплаб дўстларимиз борлигини билардик. Шунинг учун ҳисобга олган ҳолда, шеригим ўқитувчилар ҳар кимни онлайн тарзда, эркин график асосида ўқитиши мумкин бўлган таълим платформасини яратиш ҳақида ўйларди. Бошида мен бунга қарши эдим, чунки ўша пайтлар Ўзбекистонда интернет жуда суст ишлар ва қimmat эди. Лекин аста-секин интернет сифати яхшиланиб, нархлар эса пасайиб борди.

Лойиҳани, давтаввал, Бухорода ишга туширдик. Биз ўқитишни IMO мобил иловасида бошладик, чунки у вақтлар Zoom ҳали жуда машҳур эмас эди ва Skypeдан фақат компютери борлар фойдалана оларди. Биз жуда паст нархга, деярли бепул таълим бердик. Биз фақат бу қандай самара беришини кўришни ис-тадик. Тахминан 4-5 ойдан сўнг, одамлар муносабат ва қизиқиш билдира бошладилар. Бироқ онлайн таълимнинг моҳиятини тушунадиган инвесторларни топиш биз учун қийин эди, чунки ўша пайтда ҳеч ким пандемия яқин орада бошланиши ва ҳамма нарса онлайн тартибга ўтиши ҳақида ўйламаганди.

– Лойиҳани қандай қилиб ишга туширдигиз?

– Фойнинг ўзи 2018 йилда ту-ғилган, 2019 йил январ ойида уни такомиллаштира бошладик, феврал ойида эса, ўз сайтимизни яратдик. Дастлаб, дўстларимизни тўпладик, операторни ёлладик ва бизнесни бошладик. Лойиҳа бошида бизда деярли ҳеч қандай иш ҳақи йўқ эди. Биз ҳаммамиз оддий талабалар эдик, холос. Муккамал платформани олти ой ичида яратишга муваффақ бўлдик. Аммо айна дамдаги

платформамизни ҳам юз фоиз камчиликлардан холи, деб айта олмаيمиз. Чунки ҳали ҳам бажаришимиз керак бўлган, амалга оширилмаган гоёларимиз бисёр. Бундан ташқари, платформа ҳалигача TAS-IX тармоғида иш-ламайди.

– Лойиҳани ишга тушириш учун жамоада қанча одам бор эди?

– Ўша пайтда ҳаммамиз ҳам стартап нима эканлиги ҳақида муайян тушунчага эга эмас эдик, лекин интилувчан бўлганлигимиз сабабли кўпчиликда лойиҳамиз қизиқиш уйғотди. Аввалига жа-моада 10-15 киши бор эди, улар орасида муסיқачилар, фотосурат-чилар ва филологлар ҳам бўлиб, барчаси талаба эди. Бироқ ҳам-мамиз университетни тугатиб, турли йўللardan кетдик.

– Қандай муаммоларга дуч келдингиз?

– Бизнинг асосий муаммо – бу инвестор топиш бўлган, дейиш мумкин. Инвесторлар билан боғ-ланиш ва умуман, лойиҳа ишла-ётганлигини исботлаш жуда қийин эди. Бироқ, пандемия бош-ланганидан сўнг, инвесторлар-нинг ўзлари бизни қақриб, иш-ларимиз қандай кетаётганини сўрай бошладилар.

Бундан ташқари, дастлабки босқичда ҳеч ким бизга ишонма-ди, чунки бизда нархлар паст эди. Ҳеч ким бу лойиҳанинг келажа-гини кўрмади, ҳатто биз умид-сизликка тушган пайтлар ҳам бўлди. Шеригим Сардор билан ёлғиз қолган эдик, биз ҳам опе-ратор, ҳам ўқитувчи вазифасини бажаришимиз ва кириш дарсла-рини ўзимиз бажаришимиз керак эди. Мен бу лойиҳани қўллаб-қув-ватлашга ҳаракат қилдим, чунки Сардорни ёлғиз қолдирмадим. Мана 6-7 ой ўтиб, биз ниҳоят даромад олдик.

– Икки филолог қандай қилиб платформа яратишга му-ваффақ бўлди?

– Ўша пайтда, мен IT соҳаси-га қизиқмасдим, сайтлар яратиш-

дан эса умуман хабарим йўқ эди. Сардорнинг бошланғич тажриба-си бор эди, у видеолар яратиш, тахрирлаш, сайтлар, дастурлар қандай ёзилишини биларди. Сай-тимизнинг илк прототипини Сар-дорнинг ўзи яратган, чунки даст-турчиларга ҳақ тўлаш учун маб-лағимиз бўлмаган. У WordPress шаблонларидан фойдаланиб, барчасини ўзи яратди.

– Биринчи мижозларингиз кимлар бўлди?

– Бизнинг илк мижозларимиз чет элдаги ўзбек диаспораси бўлди. GreenCardни қўлга кири-тиб, АҚШда яшайдиган, аммо инглиз тилини билмайдиган ҳамюртларимиз бор. Шунингдек, Россия, Корея, Германия ва бошқа мамлакатлардаги ўзбекистонлик-лар учун нархларимиз жуда паст, бундан ташқари, бизнинг ўқитув-чиларимиз ҳар доим эркин гра-фик асосида ишлайди. Шунинг учун, мижозларимиз ўзларининг ўқув дастурларини тузишлари ҳамда қачон ва қандай кетма-кет-ликда ўрганишларини ҳал қилиш-лари мумкин. Бу кеч, тун ёки эрта тонг бўладими, бизнинг ўқитув-чиларимиз улар учун сабоқ бе-ришга тайёр.

– WebClass айна кунларда қайси босқичда турибди?

– Бугунги кунга қадар плат-формамизда 200дан ортиқ бити-рувчи таълим олди, 25 нафар ўқитувчи фаолият юритмоқда ва айнаи дамда 60 нафар ўқувчи таҳ-сил оляпти. Ўйлайманки, бугун-ги кунда бизнесимиз муваффа-қиятга эришяпти, мен бундай да-ромадни кутмаган эдим. Панде-мия даврида одамлар WebClassга катта қизиқиш билдиришди, чун-ки биз доимо сифатга эътибор қаратамиз.

Мен ўзим ҳам дарс берган-ман, шунинг учун ҳар бир ўқитувчини шахсан танлаб ола-ман. Дарсларнинг сифати ҳақида саволлар бўлиши му-кин ҳам эмас. Шу туфайли, биз “сарафан маркетинг”дан фой-даландик ҳамда Корея, Амери-ка ва бошқа мамлакатлардаги кўплаб талабалар бизнинг курсларимизни бошқаларга тавсия қила бошладилар. Энди WebClass муваффақиятга эриш-моқда ва биз уни кенгайтири-шимиз ва таълим платформа-мизнинг кам-кўстини тўлдири-шимиз мумкин.

– Сизда инвестор борми ёки лойиҳа буюртмалар ҳисо-бига даромад кўрадимиз?

– Ҳозирда таклифимизни қачонлардир рад қилган, аммо кейин лойиҳа нақадар истиқбол-ли эканлигини англаган инвес-торлар билан музокаралар олиб борилмоқда. IT-Парк томонидан катта ёрдам тақдим этилмоқда, улар биз учун яхши инвесторлар излайдилар. Шунингдек, WebClass OneMillionUzbekCoders лойиҳаси доирасида бухоролик информа-тика ўқитувчиларини ўқитиш да-стурунинг бир қисми бўлади.

– Сиз лойиҳангизни Бухоро-да бошладингиз, бугунги кун-да уни республика миқёсида, деб ҳисоблай оласизми?

– Ўйлайманки, уни аллақачон глобал деб аташ мумкин. Бухоро-да биз ушбу лойиҳани ҳеч нар-сасиз нолдан бошладик. Ҳатто, ин-тернет учун ўқитувчиларимиз чўнтагидан пул тўлашди. Октябр ойида Тошкент, Самарқанд, На-манган ва ҳатто, Кореядан ўқитувчилар ҳам бор эди. Биз ўқитувчиларга эътибор қарата-миз, улар фрилансер сифатида сифатли иш қилишларини хоҳлай-миз. Ўқитувчилар юқори маошга эга эмаслиги сабаби – бу сабб жуда машҳур эмас. Лекин биз улар учун фрилансерлар сифатида пул топиш ва бутун дунёга таълим бериш имкониятини яратмоқда-миз, масалан, бизнинг ўқитувчи-миз Жаҳонгир немис тилини рос-сиялик болаларга ўргатади. Шу-нингдек, қирғизистонлик талаба-ни ўқитадиган корейс тили ўқитувчиси ҳам бор.


– Келажақдаги режаларин-гиз қандай?

– Бошиданоқ биз Skyeng ана-логини яратмоқчи эдик, шунинг-дек, Марказий Осиё, Россия ва бошқа мамлакатлар бозорларига киришни мақсад қилганмиз. Мақ-садимизга етиш учун дастлабки қадамлар, аллақачон, бизнинг давлат томонидан амалга оши-рилди – телевидениеда онлайн дарслар бор, онлайн таълим платформалар яратилган. Биз на-фақат қўшни бозорларни, балки хорижий ҳам қамраб олдик. Бун-дан ташқари, TAS-IX зонасида юқори сифатли аналог видео оқимини яратмоқчимиз, бу, ўз навбатида, талабаларимиз учун интернет харажатларини тежаш имконини беради.

Мироншоҳ МУСТАФӨЕВ:
24 ёшда, Бухоро давлат универси-тетининг инглиз филологияси факултети бити-рувчиси. Шунинг-дек, у WebClass (онлайн-таълим) номли лойиҳанинг ҳамасосчиси ҳамда IT-Парк инкубация ва акселерация дастурунинг иккинчи босқич стартапчиларидан бири.

12 | АЛОҚА ОЛАМИДА

ТАҚДИМОТ



SAMSUNG СТИЛУСЛИ GALAXY NOTE 20 ФЛАГМАНИНИ ҚАЧОН ТАҚДИМ ЭТИШНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

Охириги бир неча ой мобайнида интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар Samsung компанияси чиқаражак янги флагман — Galaxy Note 20 ҳақидаги маълумотларга тўлиб кетди. Маълумотнинг кўплигидан, аниқлиги муҳим — энг ишончлисидан эса компаниянинг ўзи берди: флагман тақдимот санасига ойдинлик киритди.

Авалло кўшимча қилиш ўринлики, йирик компаниялар янги қурилмалари тақдимотларини офлайн тартибда ўтказишмаяпти, хусусан, жанубий корейликларнинг "Galaxy Unpacked" и ҳам истисно эмас. Демак, тақдимот онлайнда 2020 йилнинг 5 август кунини ўтказилади.

Маълумот учун: ҳозирча мавжуд далилларга асосан Galaxy Note 20 флагманни Snapdragon 865+ ёки (худудга қараб) энг сўнги Exynos процессоридан ишлайди, барча стандартлардаги бешинчи авлод мобил алоқасини қўллайдди. Албатта, бир неча йиллардан бери Galaxy Note лар "ташриф қоғози"га айланган S Pen стилуси ҳам бўлади.

ХАВФСИЗЛИК



ЯПОНИЯДА ПИЁДАЛАРНИНГ СМАРТФОНДАН ФОЙДАЛАНИШИ ТАҚИҚЛАНДИ

Япониянинг Ямато шаҳрида пиёдаларнинг смартфондан фойдаланишлари тақиқланди.

Энди кўчада, ҳатто истироҳат боғларида яёв юрганлар смартфондан фойдаланишлари мумкин эмас. Бу ташаббусни шаҳарнинг аксарият аҳолиси — қарийб 240 минг киши ҳам қўллаб-қувватлади. Смартфондан фойдаланиш тақиқлангани ҳақида шаҳар вокзалидаги овоз кучайтиргич оғоҳлантириб туради. Фақат бир нарса аниқмас — қоидабузарга қандай чора қўрилади?

NTT Docomo маълумотида кўра, пиёдалар кўриш майдонининг 95 фоизини смартфон экранини банд этади. Яматонинг айрим фуқаролар ушбу вазиятда айнан тақиқлов фойда беришига ишонимаяпти. Улар бунинг ўрнига, масалан, одамларга оғоҳ бўлиш ҳақида маслаҳатлар бериб муаммонинг ечимини топиш мумкин дейишмоқда.



БОЗОР

ПАНДЕМИЯГА ҚАРАМАЙ, SAMSUNGНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ОШДИ

Samsung Electronics Co. корпорацияси жорий йилнинг иккинчи чорагида ўз операцион даромадлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 23 фоизга ўсганини маълум қилди, дейилади MarketWatch хабарига.

Усиш кўрсаткичларига COVID-19 пандемияси даврида уйда ишловчилар кўпайиб, шахсий компьютер ва серверларга ўрнатилувчи хотира чипларига эҳтиёжнинг ошгани сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Жанубий Корея техногиганти апрел—июн ойларида сотувдан 6,8 миллиард доллар фойда олгани хомчўт қилинган. Якуний маълумот шу ой охирида эълон қилинади.

Таҳлилчиларнинг фикрича, шахсий компьютер ва серверлар учун кучли чипларга талаб ошмоқда, шу сабабли ҳам, яримўтказгичлар глобал бозорининг энг йирик таъминотчиси Samsung пандемия даврида ҳам фойда кўришда давом этмоқда.

КОРОНАВИРУС

ЙИРИК КОМПАНИЯ ОФИСЛАРИНИНГ ТЕНГ ЯРМИДАН ВОЗ КЕЧМОҚЧИ

Япониянинг Fujitsu технология компанияси яқин уч йил ичида ўз офислари майдонини тенг ярмига қисқартирмоқчи. Бу ҳақда Nikkei Asian Review хабар берди.

Коронавирус пандемияси сабабли Fujitsu ходимларининг салмоқли қисмини масофадан ишлашга



ўтказди. Хусусан, Японияда компаниянинг тахминан 85 минг нафар ходими уйда ўтириб ишлаяпти.

Компания энди бу тартибда ишлашни доимийга ўзгартиришни режалаштирган. Буни ижарага олинган офис бинолари сонини мунтазам қисқартириб бориш ҳақидаги режасидан ҳам билса бўлади.

Ҳисоб-китобларга кўра, яна уч йилдан сўнг компания офислари майдонлари 2020 йил бошидагига нисбатан икки баробар кам бўлади. Нашр кўшимча қилишича, Fujitsuning ушбу қадами Япониядаги йирик компаниялар орасида янги тенденция пайдо бўлаётганидан далолат беради.


ИННОВАЦИЯЛАР

ХИАОМИ БАРМОҚ ИЗИ СКАНЕРИГА ЭГА БЛОКНОТНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

Xiaomi Youpin интернет дўконининг краудфандинг майдончасида қизиқарли янгилик — бармоқ изи сканерига эга блокнот пайдо бўлди. Мазкур блокнот ўз кўлёмалари бошқалар қўлига тушишини хоҳламаганлар учун мўлжалланган.

Блокнотни очиш учун бармоқни ён томонда жойлашган дактилоскопик датчикка тегишиш ва қисқа вибрацияни кутиш лозим. Блокнотни блокдан чиқариш учун 0,5 сония талаб этилади, унинг ичига 160 мАс сифимли аккумулятор ўрнатилган бўлиб, ишлаб чиқарувчининг сўзларига кўра, бир марталик қувват икки ойга етади.

Блокнот ичида ручка, карта ёки қайдлар учун кўшимча жойлар мавжуд. Оппоқ варақлар тугагач, муқовани янги варақларга эга бошқа блокнотга кўчириш мумкин.



ДАРОМАД

ИЛОН МАСК БИР ҲАФТАДА 5 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА БОЙИДИ

Tesla ва SpaceX компаниялари асосчиси Илон Маскнинг бойлиги бир ҳафтада 5,2 миллиард долларга кўпайди.

"Мен учун мутлақо ҳаммаси бир хил. Бу рақамлар кўтарилади ва пасаяди. Лекин, ҳақиқатан энг муҳим нарса шуки, биз одамларга ёқадиган маҳсулотлар яратамиз", — деди тадбиркор ушбу янгиликка жавобан.



Маск ҳозирда \$46,3 млрд. бойлиги билан АҚШнинг энг бой инсонлари рўйхатида 16-ўринда, дунёнинг худди шундай рейтингда эса 22-поғонада турибди.

КОМПАНИЯЛАР

GOOGLE ТРИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК КОМПАНИЯЛАР ҚАТОРИГА ҚўШИЛДИ

Аксарият мамлакатлар иқтисодиётидаги таназзул ва коронавирус пандемиясига қарамай, балки шу сабабли, ахборот технологиялари компаниялари акциялари ёмғирдан кейинги кўзиқориндек ўсиб борапти.

Alphabet (Google) душанба кунини "Триллионерлар клуби"га қўшилди. Акциялар 1510 доллардан сотилиб, савдо якунларига кўра, компания капитализацияси 1,02 триллион долларга етди.

6 июл кунини Apple компанияси қиймати 1,62 триллионга, Microsoftники 1,6 трлн. долларга тенглашти. Чўзилиб кетган карантинда онлайн-бизнеси гуллаб яшнаб, ҳаммадан кўп фойда олган Amazon нархи эса 1,52 трлн. долларни ташкил этди.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.



Масжидми ё черков? ТУРКИЯНИНГ ИЧКИ ИШИГА АҚШ ҲАМ АРАЛАШДИ

Истанбулнинг асосий рамзи саналган Авлиё София (Аё София) обидаси музейдан масжидга айлантирилиши кутилмоқда. Мазкур масалани кўриб чиққан Туркия давлат кенгаши президент Ражаб Тоййиб Эрдўгон томонидан музейнинг масжидга айлантирилиши мумкинлигини истисно этмаган. Бу борадаги якуний қарор яқин кунлар ичида эълон қилинади.

Кенгаш Туркия президенти ташаббусини ёқласа, 15 асрлик тарихга эга Авлиё София обидаси худудидида 15 июл куни илк жамоат намози адо этилиши мумкин.

Мазкур иншоот Истанбулнинг Султон Аҳмад мавзесидида, Босфор соҳилида қад ростлаган. Ибодатхона ҳақидаги илк маълумотлар миллоднинг 300-йилларига бориб тақалади. Аммо ёнгиналар туфайли насроний черкови вайрон бўлган. Византия императори Юстиниан 537 йилда вайрона ўрнида улкан ибодатхона барпо этган. Солномаларга кўра, ибодатхона қурилишига Византия империясининг уч йиллик бож-хирожи сарфланган.

1453 йилда Истанбул султон Муҳаммад Фотиҳ томонидан фатҳ этилган, Авлиё София ибодатхонаси масжидга айлантирилган. Усмониёлар даврида обидида теграида миноралар барпо этилган. Шу тариқа кўҳна обидида 500 йил давомида мусулмонлар хизматида бўлди. 1935 йилда замонавий Туркия етакчиси Мустафо Камол Ататурк кўҳна масжидни музейга айлантириш ҳақида фармон қабул қилди.

Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдўгон 2019 йил март ойида Авлиё София музейи масжидга айлантирилиши ҳақида гапирган. Бу АҚШ томонидан Қуддус шаҳри Исроиил пойтахти деб тан олиншига жавоб экани хабар қилинган. Жорий йил 5 июнда эса Туркия етакчиси ўз ёрдамчиларига музейни масжидга айлантириш бўйи-



1453 йилда Истанбул султон Муҳаммад Фотиҳ томонидан фатҳ этилган, Авлиё София ибодатхонаси масжидга айлантирилган.

ча амалий чоралар кўриш бўйича топшириқ берган.

Музейни масжидга айлантириш режаси Фарб мамлакатлари томонидан илиқ кутиб олинмади. Хусусан, Греция Аё София масаласида биринчилардан бўлиб норозилик билдирди. Бахсларга Афина ва Греция архиепископи Иероним ҳам қўшилди. Унинг фикрича, Туркия бунга журъат қилолмайди. "Турклар қўлида нима бўлса, шуни ўйнайди. Аё София ҳам ўйинлар-

дан бири. Буни амалга оширишга журъат қилишади, деб ўйламайман", — деди у.

Туркия эса бу танқидларга танқид билан жавоб қайтариб, Аё София масаласи Туркиянинг суверен ҳуқуқи эканини айтиб келмоқда. Аё Софиянинг масжидга айлантирилиши бўйича даъво аризаси Туркиянинг маъмурий ишлар бўйича олий судида кўриб чиқилмоқда. Суд яқин кунларда ўз қарорини эълон қилади.

Айтиш керакки, Туркия раҳбарияти Аё София яна масжид сифатида фаоли-

ят юриштирининг тарафдори.

Бундан аввал АҚШ давлат котиби Майк Помпео, Франция ташқи ишлар вазирлиги ва Россия православ черкови ҳам Аё Софиянинг масжидга айлантирилишига қарши чиққан эди. "Мавжуд шароитда бундай ҳаракат диний эркинликнинг бузилиши бўлишига ишонамиз. Энди ўрта асрларга қайтолмаймиз", — деди Россия православ черковининг ташқи алоқалар бўлими раҳбари Иларион.

АҚШ Давлат котиби Майк Помпео Авлиё София музей бўлиб қолиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган. Туркия ташқи ишлар вазирлиги расмий Вашингтоннинг мазкур баёноти га кескин эътироз билдирди. Таъкидлашчи, Авлиё София турк замида жойлашган бошқа тарихий осориётқалар каби Туркия мулки саналади ва уларни қандай тасарруф этиш борасида Анқара бошқа давлатлардан фикр сўраб ўтирмайди. Жумладан, Авлиё София обидасини масжидга айлантириш масаласи ҳам мамлакатнинг ички ишидир. "Албатта, ҳар ким фикр айтиш ҳуқуқига эга. Аммо суверен ҳуқуқларимиз хусусида гап борар экан, ҳеч бир давлат "биз даъват этамиз", "биз талаб қиламиз" қабилида сузлашга ҳақли эмас", дейилади ТИВ баёнотида.

Кремл Аё Софиянинг мақомини Туркиянинг ички иши деб билади. Россия Федерацияси президентининг матбуот котиби Дмитрий Песковнинг сўзларига кўра, Кремл бино тақдирини ҳал қилишда Анқара Жаҳон мероси объекти мақомини ҳисобга олишига умид қилмоқда. У "Аё София"нинг сайёҳлик аҳамиятини ва "чуқур муқаддас маънавий қиймати"ни таъкидлади.

КАРАНТИНДАГИЛАРНИ КУЗАТИШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Иорданияда коронавирус тарқалишининг олдини олишга қаратилган 14 кунлик уй шароитидаги карантиннинг бузилмаслигини таъминлаш мақсадида электрон браслетлардан фойдаланиладиган бўлди. Мамлакат миллий эпидемиологик қўмитаси расмий Назир Убайдот ушбу маълумотни эълон қилди ва бунга сабаб сифатида карантин қоидаларини бузиш ҳолатлари юзага келганини билдирди.

Айни пайтда электрон браслетлар тест тартибида, касалликка чалинганлик аломати кучли бўлган 500 кишида синаб кўрилади. Бундан бош мақсад "уй карантини самандорлигини ошириш ва уларнинг бошқалар билан алоқа қилмаётганига ишонч ҳосил қилиш".



ДУБАЙ САЙЁҲЛАР УЧУН ОЧИЛДИ

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳри ҳукумати 7 июлдан сайёҳлар учун ўз чегараларини очди. "Дубай 7 июлдан сайёҳларни қабул қилишни бошлайди... Дубайга келувчилар коронавирусга манфий тест натижасидаги ҳужжатни топширишлари ёки аэропортнинг ўзида тестдан ўтишлари шарт. Тести мусбат чиққанлар 14 кунга карантинга олинади", — дейилади ҳукумат хабарида.

ЎЙҒУРЛАР ХИТОЙНИ ХАЛҚАРО СУДГА БЕРДИ

Ўйғур муҳожиралини ҳимоя қилувчи лондонлик адвокатлар Хитой ҳукуматига қарши Гаагадаги жиноят ишлари бўйича Халқаро судга шикоят аризаси беришди. Пекин ўйғурларнинг қатлиомида айбланмоқда. Адвокатлар томонидан тақдим этилган 80 саҳифалик баёнотида Камбоджа ва Тожикистондан минглаб ўйғурларни Хитойга қайтаришга уриниш (репатриация) бўлганлиги қайд этилган. Ҳужжатда геноцидга алоқадор ва иштирок этган 30 нафар хитойлик мансабдор шахслар

рўйхати келтирилган. Айбланувчилар орасида давлат раҳбари Си Цзинпин ҳам бор. Аввалроқ ҳам Хитой ҳукумати ўйғур аёлларини мусулмон аҳоли миқдорини чеклаш кампанияси доирасида контрацептив воситаларни қабул қилишга мажбурлаётгани хабар қилинган. Маълум бўлишича, Хитой маъмурилари мунтазам равишда этник озчиликлардан бўлган аёлларни ҳомилдорликнинг мажбурий синовлари ва уларга бачадон ичи спираллари тақиш, ҳомилдорликка қарши туради-

ган ички найлар ўрнатиш ишлари олиб боришмоқда. Аёлларнинг хоҳиш-иродасига қарши юз минглаб абортлар ўштирилмоқда.

Бундан ташқари, ўтган ҳафта АҚШ ҳуқуқ-тартибот идоралари Хитойнинг Шинжон-Ўйғур мухтор худудидидаги сиёсий қайта тайёрлаш лагерларида мусулмон маҳбусларнинг сочларидан тайёрланган 13 тонна маҳсулотни мусодара қилган эдилар, бу ҳам инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши сифатида баҳоланмоқда.

Интернет материаллари асосида У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Чонг Ёнг Чеол



– Албатта. Йигирма тўрт соат ёмғир товуши келадиган уй курамыз! – дедим унинг юзидаги қувонччи давомли қилиш учун.

Аёлим ёмғирли ҳавони ёқтиради. Ташқарида ёмғир ёға бошласа дарров деразани очиб қўяди. Ёмғир томчиларининг осмондан ерга интилишларини томоша қилиш мароқли, аммо у ёмғир томчиларининг тошларга ва тупроққа урилиб чиқарадиган товушларига маҳлиё. Қизил пайтларида уйнинг ҳовли томонга қараган эшигини очиб қўйиб ухлаганим эрталаб ёмғир томчиларига жодуланиб мактабга боришни унутганларини кўп гапириб беради.

Тўйимиздан кейин идорамизга қарашли фургонда уйга келган пайтимни эслайман. Ушанда ҳам осмон кўз ёшларини тўкаётганди. Аёлимни бир хурсанд қилай, деган хаёлда бирга уйимизга яқин жойдаги тепаликка олиб бордим. Мен чақонлик билан машинанинг ўриндиқларини чиқариб ерга қўйдим ва иккаламиз чалқанча ётганча ёмғир томчилари юзимизни силашига қўйиб бердик...

Қайсидир кафега тушлик қилгани кирганимизда осмон мусаффо ва тиниқ

бўлса ҳам ёмғир ёғаётгандек туюлаверди. Яхшилаб разм солиб қарасам, томдан оқаётган ёмғирни бир ўзанга солиб қўйган темир мослама ўрнатилган экан. Томдан сирғалиб тушаётган ёмғир томчилари чилп-чилп этиб ерга сакрамоқда. Буни кўриб аёлим тўлқинланиб кетди:

– Уй курганимизда худди шунақасидан ясаб беришингизни истардим, азизим!
– Албатта. Йигирма тўрт соат ёмғир товуши келадиган уй курамыз! – дедим унинг юзидаги қувонччи давомли қилиш учун.

У шерь ёзишни ёқтирар, ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларида адабиёт муаллимаси: “Қаламинг ўткир!” – деб мақташи ортидан бир қанча дафтарларни тўлдирганлигини табассум билан эслайди.
Йиллар ўтди.
Ҳозир эса... Биз кўпқаватли уйнинг 11-қаватида истиқомат қиламиз. Ёмғир шовуллаб ёғмаса, унинг ёғаётганлигини сезиш мушкул. Балконимизга тунуқадан ёмғир томчиларини йиғиб, жилдирашиб

турадиган бир нарса ўрнатиш ниятим йўқ эмас. Лекин ҳозирча бу хаёлдан нарига ўтилмаяпти. Ёмғир томчилари билан бирга аёлимнинг илҳом парилари ҳам йўқолиб кетгандек, шерь ҳам ёзмай қўйди. Мен учун илгарилари фариштадек кўринган аёлим энди оддий бир аёлга айланиб қолгандек гўё: она бўлиб, овқат тайёрлайди, идиш-товоқ ювади, кир ювади, уй тозалайди, болаларга қарайди...

Авваллари эътибор бермасдим. Ҳозир эса ёмғир ёққан пайтларда аёлимдаги романтик ҳиссиётлар қаёққа гойиб бўлганлигини билгим келади ва “Нега бунақа бўлиб қолди?” – деб хавотир ҳам оламан.

Кеча овқат тайёрлаётган аёлимни бир зум кузатдим. Қарасам, овқат тайёрлаш ҳам осон иш эмасга ўхшайди. Сабзавотларнинг сарасини танлаб, сувга солиб, ювиб... Эҳ, ҳисоблашга вақтим етмаса керак. Бир кунда қанча ҳаракат, қанча энергиясини сарф этаркин-а. Шерьхонлиги ёмғирга мафтунлик нима учун йўқолганлигини тушунгандек бўляпман. Шоир Хванг Донг Юнинг шерь тўпламидаги “Севги қўшиғи”да шундай сатрлар бор:

Гулдек тоза севгисин менга бағишлаб,
Қип-қизил олма каби беғубор ёрим.
Жавобан идиш-товоқ ювишга ташлаб,
Севгингни оёқости қилган мен – золим.

Энди ҳар хил совғалар олиб беришлару муҳаббатга тўла иссиқ нигоҳлар ўрнини оддий оилавий ҳаёт эгаллади. Шерь ёзишлар ва ёмғир томчиларини авайлаб тутадиган нозик қўллари энди кир буюмлару идиш-товоқ ёлларидан сал киралашиб қолгандек гўё. Назаримда, сал хуснини йўқотгандек. Лекин барибир у мен учун ҳақиқий фариштаннинг ўзи – болаларимнинг онаси.

Ёшликдаги романтикани ортга қайтариш учун дераза ёнида ўтириб ёмғир томоша қилиш учун бир яхши кресло сотиб олсаммикан-а!

Корейс тилидан
Отабек ЙҮЛДОШЕВ таржимаси

Генри Валентайн Миллер,
Америка адаби

Бахт ва муҳаббат

– Муҳаббат қачон одамларни тарк этди?, – сўради Бахт отасидан.
– У ўлди, – деди ота қайғуга ботиб. – Одамлар ўзларида борларнинг қадрига етмайди. Улар, ҳатто севишни ҳам билмайди.
Йиллар ўтди. Бахт ҳам улғайди. У одамларга ёрдам бериш ҳақидаги ваъдасини эсларди. Аммо одамлар уни тушунишни истамасди. Бундан кўнгли ўксиган Бахт кундан-кунга кичрайди. Ер юзидан бутунлай йўқолиб кетишдан қўчиган Бахт узоқ сафарга отланди. У узоқ йўл босиб чарчиди. Дам олгани дарахт соясида тўхтади. Кўзи илинган эди, кимнингдир қадам товушларидан қўчиб уйғонди. Қараса, боши узра унга термилиб, қаримсиқ, кўзлари ғилай мункиллаган кампир турибди.

– Келинг, ўтиринг, чарчагандирсиз, онахон, – деди у.
У ўзни ўтлоққа ташлаб, йиғлашга тушди.
– Мени қари кампир, деб ўйлапсанми? Сен ҳақингда шундай деб ўйласалар алам қиларкан. Мен ахир ёшман. Исмиим Муҳаббат.
– Сиз... наҳотки сиз ўша Муҳаббат бўлсангиз? Менга сизни гоят сулув деб таърифлашганди.
– Ўзинг кимсан? – сўради Муҳаббат.
– Мен Бахт бўламан.
– Қанақасига, менга сени ёқимтой дейишганди-ку, – кампир шундай дея йиртиқ-ямоқ қўйлаги орасидан кўзгуни чиқариб, унга тутди. Бахт аксига термилиб, йиғлаб юборди.
– Бераҳму бағритош одамлар бизни не қўйларга солишди, – дея кўйинди Бахт ўзининг нурсиз юзини қўли билан яшираркан.
Муҳаббат Бахтни бағрига босди.
– Ҳечқисим йўқ, қўй йиғлама! Биз бирга яшасак, тез орада яшариб, яна тетиклашамиз, – деди.

Бахт ва Муҳаббат ўша кун дарахт остида айрилмасликка онт ичдилар. Шундан бери кимнинг ҳаётини муҳаббат тарк этса, бахт ҳам у билан бирга кетади. Афсуски, одамлар буни ҳалигача англаб етгани йўқ.

Рус тилидан
Шаҳноза РАҲМОНОВА таржимаси

А.П.ЧЕХОВ,
рус адаби

Кексалик

Давлат маслаҳатчиси меъмор Узелков киндик қони тўкилган қадрдон шахрига қайтди. Уни ибодатхонани қайта таъмирлаш учун чақиришганди. Бу шаҳарда у туғилди, ўқиди, улғайди ва уйланди, аммо поездан тушганида она шаҳрини танимади. Барчаси ўзгарибди, ўн саккиз йил олдин, яъни у Петербургга кўчиб кетишдан илгари ҳозир оёқ босиб турган жойида балик овларди. Бугун эса вокзал бунёд бўлибди. Рўпарасида турган тўрт қаватли бино ўрнида бир вақтлар сарик девор бор эди. Аммо ҳеч нарса одамлар каби ўзгармаган. Меҳмонхона хизматчисидан у танишларининг қарийб ярми вафот этганини, камбағаллашиб унутилиб кетганини билиб олди.

– Узелковни эсплайсанми? – сўради қария. – Меъмор Узелков. У Свирибеевский кўчасида турарди. Хотини билан ажрашган меъмор-чи, эсплайсанми?
– Йўқ эспломайман.
– Қандай унуттиш мумкин! Шов-шувли воқеа бўлганди. Хотини билан ажрашишига Шапкин сабабчи эди. Қаллоб! Машхур қиморбоз! Уни клубда гирромлик қилгани учун қўлга олишган.
– Иван Николаевичми?
– Ҳа ҳа, худди ўзи. У тирикми?
– Худого шурк, ҳаёт. Уларнинг ҳозир нотариал идораси бор. Фиштли уйлардаги қўш хонадон ўшаларга тегишли.

Узелков хонада тинмай юриб чиқди. Уйлаб-уйлаб, ахийри, Шапкин билан учрашишга қарор қилди. Узелков астагина бошидан шляпасини ечди. Шапкин ҳам бош кийимини қўлга олди. Атрофда ўлик сукунат ҳукмрон эди. Ҳатто ҳаво ҳам йўқдай туйиларди. Улар жимгина ўз ўтмишлари ҳақида уйлашарди.

– Ўтибди, – деди сукунатни бўзиб Шапкин. – Ғами ҳам йўқ... Тан олинг Борис Петрович.
– Нимани? – дея тўнғиллади Узелков.
– Ўтмишимиз қора бўлганини, аммо у бундан яхшироқ эди... – деб ўзининг оппоқ сочларига ишора қилди.

– Ҳа биз ўлим ҳақида ўйламасдик ҳам, ҳатто... Улим билан учрашим баъзан менга жуда ҳам яқиндек туйилади... Аслидаям шундай.

Узелков гамга чўмди. У бир вақтлар телбаларча севишни хоҳлагани каби бирдан ўкириб йиғлашни истади. Кўзларидан оқаётган ёшнинг тозалигини ҳис қилди. Унинг кўзлари равшанлашди. Бироқ Узелков Шапкиннинг ёнида кўнглини бўшатишга истихоло қилди. У ибодатхона томонга қайрилди ва чаққон қадамлар билан ўша томонга юрди. Икки соатлардан сўнг Шапкин роҳиб билан сўхбатлашиб турган вақтда Узелков билдирмай, йиғлагани боғи жойга қайтди. У қабр тошига чор атрофга ўғиринча назар ташлаб, аста яқинлашди. Кичкинагина қабр тошида ўйиб ишланган чехра оқаётган ёшнинг тозалигини ҳис қилди. У шундай беғуноқ кўринардики, худди мана шу қабр остида хиёнаткор аёл эмас, балки беғубор қизалоқ ётгандай таассурот уйғотарди.

– Йиғлаш керак, йиғлаш! – дея уйланди Узелков. Аммо вақт ўтиб кетганди. Қария қанчалик уринмасин, бўзига алам тикилмади. Кўз ёшлари ҳам келмади. Ун дақиқага яқин Узелков шундай қаққайиб тураверди. Бироқ ҳеч қандай натижа чиқмагач:

– Эф! – дея қўлини силкиди-да, Шапкинни излаб кетди.

Инглиз тилидан
Қандилат ЮСПОВА таржимаси

ТАБИАТНИ АСЛИДЕК АСРАЙЛИК

Ўзбек халқи қадимдан саранжом-сарришталikka жуда эътиборли бўлган. Эрта тонгдан келинлар, қизларимиз ҳовли-ю кўчаларимизга сув сепиб, супуриб, тозаллаган. Тонгданоқ ўз юмушлари билан кўчага чиққан одам озода, кишига хушқайфият бағишловчи манзарадан кўзлари кувнаб, дили яйраган. Бу ишлар нафақат эрталаблари, балки кечқурунлари ҳам такрорланган. Ариқлардаги зилол сувларни айтмайсизми. Чунки ҳар бир оилада ота-оналаримиз ва бобою момоларимизнинг “Сув бу ҳаёт, унга тупурма, уни қадрла, бир томчи сувни ҳам исроф қилма, унга ҳар нарса ташлама, ташланган катта гуноҳ бўлади”, дея айтган кўп насихатлари қулоғимиз тагида ҳали ҳамон жаранглаб турибди.



унинг қолдигини турган жойига ташлаб юбориши, йўлда ҳаракатланиб кетаётган ҳайдовчи ҳам автоулов ойнасидан ахлат иргитишини кўриб бирор киши – на уйбошилар, на маҳалла фаоллари, на раислар, на маҳалла нозирлари, на оддий халқ гапирмайди ва тартибга чақирмайди. Буни ёш авлод, кўчада ўйнаётган, велосипед ҳайдаётган, дўконга чиққан болалар кўриб, кузатиб, ўрганиб келмоқда. Шу ёшлар ҳам музқаймоғини еб, унинг ўрамини ўша жойнинг ўзида ерга ташлаб кетаяпти...

Табиатни аслидек асраш ҳар биримизнинг бурчимиз. Ҳеч бўлмаса чиқиндиларни ташлаётганимизда ободонлаштириш ташкилотидан эртадан кечгача, қишнинг совуқ кунларида, ёзда қўёшнинг жазирама иссиғида, ҳатто, дам олиш кунларида ҳам бели букилиб ишлаётган ота-оналаримиз, бобо-бувиларимиз тенги кишиларни кўз олдимиизга келтирайлик. Уларнинг меҳнатини ҳурмат қилишни ўрганайлик. “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” дастури доирасидаги ишлар фақат қоғозлардагина қолиб кетмаслиги учун ҳар биримиз бепарволик, бепарқлиқни йиғштириб, табиатни асрашга маъсул ташкилотлар, экология партияси депутатлари билан бирга она табиатимизнинг гўзаллигини асрашга, юртимизнинг ободонлашишига ўз ҳиссамизни қўшайлик!

Баҳромжон МУҲИТДИНОВ

САЛОМ, МАКТАБ!

Янги ўқув йилида 650 116 нафар бола 1-синфга боради

Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан таълим вазирликлари билан ҳамкорликда мамлакатимиздаги таълим муассасаларида янги ўқув йилига тайёрларлик ҳолати ўрганилмоқда ҳамда тегишли тавсиялар берилмоқда.

Хусусан, Халқ таълими муассасаларида янги ўқув йилига тайёрларлик бўйича олиб борилган ишлар хусусида тўхталадиган бўлсак, тизимдаги таълим муассасаларида шароитларни яхшилаш, уларни янги ўқув йилига тайёрлаш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 28 майдаги 135-сонли буйруғи билан ҳаракатлар дастури тасдиқланиб, ижрога йўналтирилган. Мазкур дастурга кўра, мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгиланган:

- Ўқув биноларини таъмир-

лаш ва мактаб ҳудудини ободонлаштириш;

- синфларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш;
- ўқувчиларни дарсликлар, ўқитувчиларни услубий қўлланмалар билан таъминлаш;
- ўқув жараёнининг педагогик ва методик таъминотини яхшилаш;
- ўқув жараёнида АКТдан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;
- таълим сифатини яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг янги ўқув йилига тайёр ҳолатга келтирилиши бўйича ҳудудларнинг режаграфик тасдиқланган. 2020 йилда республика бўйича жами 84 872 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 315 та мактабларда қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

2020-2021 ўқув йили учун мактабларнинг 1-синфга қабул жорий йилнинг июл-август ойларида режалаштирилган. Даст-



лабки ҳисоб-китобларга кўра янги ўқув йилида 650116 нафар болалар 1-синфга қабул қилиниши кутилмоқда. Аънаёна кўра улар учун “Президент совғаси” сифатида ўқув жиҳозлари ва дарсликлар берилиши режалаштирилган.

2020 йил 15 июндан ўқувчилар учун Online repetitor, Online to garak, ўқитувчилар учун Online kasbiy rivojlantirish йўналишларида телевизион машғулотлар эфирга узатилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси матбуот хизмати

ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР

Хоразм воҳаси нафақат ўзининг тарихий обидалари, балки санъати, зеҳни ўткир, тиришқоқ, шинаванда инсонлари билан ҳам машҳур.

1950 йил Ҳонқа туманида зиёлилар оиласида дунёга келган Қамариддин ҳам ёшлигидан илмга чанқоқ, техникага қизиқувчан ёшлардан эди. Мактабни имтиёзли битирган ўғилни ота-онаси Тошкент электротехника алоқа институтига яхши ниятлар билан кузатишди. Олийгоҳни муваффақиятли тугатган аввалига ўз мутахассислиги бўйича Хоразм телеминорасида муҳандис бўлиб ишлаб, кейинчалик катта муҳандисликка кўтарилди. 1992 йилдан эса Хоразм вилояти электротехника алоқа бошқармасига қарашли Ҳонқа электротехника алоқа боғламасига раҳбарлик қилди. Иш жараёнида ўзининг илгор тажрибаси ва ҳамкасблар кўмағига суяниб, топшириқларни ўз вақтида бажарди.

Қамариддин Каримов қаерда ишлагани меҳнатқашлиги туфайли эл ҳурмати сазовор бўлди. Ҳозирда нафақадан, неваралар қуршовида кексалик гаштини сурмоқда.

“От изини той босар” деганларидек, бугун ота ишини ўғли Зафарбек давом эттиряпти.

Зафар Каримов ҳам ота изидан бориб, Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишга кирди. Уни 2001 йилда тамомлаб, Ҳонқа туман электралоқа боғламасида ёрдамчи муҳандис вазифасида иш бошлади. Кейинроқ етакчи муҳандисликка ўтди. Ҳар қандай шароитда касбдошлари билан ҳамжихатликда иш юритди.

З.Каримов секин-аста “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг “Хоразм Телеком” филиалида бўлим бошлиғи, кейинчалик бош ҳисобчи, бош муҳандис лавозимига кўтарилди. Соҳанинг сир-асрорларини ўрганган малакали мутахассисга филиалнинг Урганч шаҳар алоқа боғламаси бошлиғи вазифаси ишониб топширилди.

Зафар Каримов узоқ йиллар тўплаган тажрибаси ва билими орқали алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида янгиликлар яратди, десак муволафа бўлмайди. У соҳанинг билимдон ёшлари сафини кенгайтириб, бор эътиборини тизимни янги даврга мослаштиришга қаратди. Шунингдек, у икки марта Хоразм вилоят кенгашига депутатлигига сайланди.

Камтарин бу инсон кўп ўтмай Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

З.Каримов бу ютуқларга эришишда устозлари М.Собиоров, Қ.Хайтбоев, О.Аллабергановлардан катта тажриба ўрганди. Ҳозирда у алоқа соҳасига янги, инновацион илмларни татбиқ этиш устида иш олиб борапти.

Хоразм вилояти алоқа соҳаси олд ўринларда боришида З.Каримовнинг ҳиссаси катта.

2019 йили Алоқачилар касб байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги буйруғига мувофиқ Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Зафар Каримов “Фахрий ёрлик” билан мукофотланди.

Давлатбой ЖУМАБОВЕВ,
фахрий алоқачи

ЭЪЛОН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига мувофиқ, “RO‘YOUB QURILISH” масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларини лоийҳалаш бўйича фаолиятига 2016 йил 21 июлда берилган 0005880 рақамли лицензиянинг амал қилиши унинг 2020 йил 11 июндаги 520-сонли аризасига асосан 2020 йил 3 июлдан тугатилди.

16 | ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТ

Дунёда телефон операторларига асос солинган, янги касблар ҳам пайдо бўлди – телефон операторлари. Уша даврда телефон операторларисиз бирорта ҳам кўнғироқ амалга оширилмаган – улар абонентларни бир-бирига боғлашган.



Россияда уларга жиддий талаблар қўйилган эди. Масалан, бу хизматга фақат бўйи 165 см.дан кам бўлмаган (алоқа ўрнатиш учун қўллари ускунанинг юқори қисмида жойлашган махсус боғламаларга етиши керак эди), 18–25 ёшли турмушга чиқмаган қизлар қабул қилинган. Операторлик иши оғир ва яхши ҳақ тўланадиган касб ҳисобланган – улар бир ойда 30-40 рубл (таққослаш учун ўша вақтда малакали муҳандис 24 рубл) маош олган.

Телефон операторларига муҳим шарт қўйилган – улар фақат шу соҳадаги ҳамкасбларигагина турмушга чиқиши мумкин бўлган. Бунинг сабаби оддий маълумот ташқарига чиқиб кетмаслиги керак.

МАСЛАХАТ

ТИЛ ҲАМ КАСАЛЛИКЛАРДАН ДАРАК БЕРАДИ

Австралиялик стоматологларнинг фикрича, тилнинг ҳолатига қараб касалликларни аниқлаш мумкин, деб ёзади Daily Mail.

Шифокорларнинг таъкидлашича, кашандалар билан ароққўрларнинг тилини кўпинча оқ караш босади. Бундай ҳолат, шунингдек, оғиз бўшлиғи гигиенаси ёмон бўлганда ҳам кузатилади. Фақат уни мустақил бартараф этиш мумкин. Агар тилдаги караш икки ҳафтагача кетмаса, тиш дўхтирлари шифокорга мурожаат этишни маслаҳат беришади. Бундай вазиятда доғлар замбуруғ ёки лейкоплакияга ишора қилади: оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалланади.

Беморнинг тили қизариб кетганда ва ундаги рецепторлар ёрқинлашиб қолганда аллергик реакция ёки организмда фолат кислотаси танқислигига ишора қилиши мумкин. Бундай ҳолатда томоқ ҳам яллиғланган бўлиши ҳеч гап эмас. Шу боис ЛОР ёки терапевтга мурожаат қилишга тўғри келади: эҳтимот, бу фарингит ёки қизилча касаллиги аломатидир.

Ўз навбатида, тилдаги гуддачалар аччиқ таом туфайли келиб чиқиши ёки герпес вирусига ишора қилиши мумкин.

Стоматологлар тил шишганда ёки айрим жойлари сезиш қобилиятини йўқотганда ҳам шифокорга мурожаат қилишни маслаҳат беришади.

ЎЗИНГИЗ ТАЙЁРЛАНГ

МАЛИНАЛИ ЛИМОНАД

Ёзнинг жазирама кунларида жуда фойдали бўлган яхна ичимликларни ўй шароитида тайёрлаш рецепти. Оилангиз ва яқинларингиз учун тайёрлаб кўринг.

Масалликлар:

- 1 стакан малина (тахминан 170 г);
- 1 дона лимон;
- 100 г. шакар;
- 800 мл. совуқ сув + яна 200 мл. қиём учун;
- муз, ялпиз ва безатиш учун малина доналари.

Тайёрлаш усули:

200 мл. сув ва шаркани қайнатиб, қиём тайёрлаб оламиз. Қиёмга малинани солиб, яхшилаб эзамиз. Малинанинг уруғидан қутулиш учун қиёмни элакдан ўтказиб олиш керак. Қиём совуқгач, лимоннинг шарбатини эзиб чиқарамиз ва унга қўшамиз. Қолган сувни ҳам қиём билан аралаштириб, муз, малина доналари ва ялпиз билан безатамиз.



ИБРАТ

ДЎСТ ФАРОСАТЛИ БЎЛСИН

Бир киши машҳур донишманднинг ҳузурига келиб, ундан сўрабди:

– Устоз, сиздан бир нарсани билиб олмоқчи эдим. Одамнинг нечта дўсти бўлиши керак? “Юз тилланг бўлмасин, юзта дўстинг бўлсин” деган мақолни эшитиб қолдим. Лекин агар атайлаб дўст қидирадиган бўлсам, ишларим ўнгидан келишига ишонмайман. Ахир қаршингдаги одам аслида қанақалигини билиб бўлмайди. Бундан ташқари, у чинакам дўст бўлишга лойиқми-йўқми – буни ҳам олдиндан айтиш қийин. Унинг устига, ўзимнинг ҳам бошқаларга қай даражада дўст бўла олишим аниқ эмас...

– Саволингга жавоб бераман, тўғрироғи, жавобни ўзинг топасан, – дебди донишманд. – Хув анави олма дарахтини кўряпсанми? У дунёдаги энг баланд олма оғочларидан бири. Бориб ўша дарахтнинг энг учидига мевалардан менга териб кел.

Одам ўша тарафга қараб, дарахтнинг юксак



шоҳларида товланиб турган олмаларни кўрибди ва:

– Лекин, тақсир, дарахт ҳақиқатан ҳам жуда баланд экан. Меваларни қандай қилиб уза оламиз? – дебди.

– Бирорта дўстингни чақир, биргалашиб оларсизлар, – деб йўл-йўриқ кўрсатибди донишманд.

Ҳалиги киши бир дўсти-

ни топиб келибди. Ўртоғи унинг елкасига чиқибди, лекин меваларга қўли ет-мабди. Орада ҳали анчагина масофа бор экан.

– Йўқ, бунақада ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, – дебди асабийлашиб дўст изловчи.

– Нима бало, бошқа умуман дўстинг йўқми? – деб-

ди қилиб донишманд.

Бояқиш бошқа дўстарини ҳам чақириб, анча-мунча одам йигибди. Улар бир-бирларининг елкаларига минганча, терлаб-пишиб юқорига интилишибди... Бироқ бу жонли ҳавола олмагача етиб бормабди, ҳолдан тойган одамларнинг оёқлари ҳам тойибди, ҳамма ерга гурсиллаб тушибди.

Бу ишларни кузатиб турган донишманд ҳалиги кишини ёнига чақирибди ва сўрабди:

– Одамга нечта ҳақиқий дўст кераклигини тушунгандирсан?

– Ҳа, тақсир, тушундим, – дебди у лат еган елкасини уқалаганча. – Жуда кўп дўст керак экан. Кўпдан кўн қочиб қутулмайди. Ҳар қандай муаммони кўплашиб ҳал қилиш мумкин.

Донишманд афсус билан бosh чайқабди:

– Тўғри, дўстарларнинг кўп бўлгани яхши. Лекин миясига нарвон олиб келиш фикри келадиган биттагина фаросатли дўстинг бўлса, ундан-да яхши.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ, Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Усмоғжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоysi келишилган нархда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй (муъжаз: Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31, факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқаради

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-757 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 3959 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 23.00. Босишга топширилиш вақти — 24.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода (99)854-7305 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 234-18-59 Урганча (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99